



ТОШКЕНТГА ОЛИЙ МАҚОМ БЕРИЛДИ

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Расулulloҳга дуруду саловотлар бўлсин. Ватанимиз мустақилликка эришиши билан Аллоҳ таоло берган энг катта неъматлардан бири диний хуррият бўлди. Биз мусулмонлар ибодатларимизни йилдан-йилга эмин-эркин адо этиб келяпмиз. Айниқса, охириги ҳаж мавсумида ҳожилар учун яратилган қулайликлардан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Ҳаж ибодатини ўтаб, Ватанга қайтган кунларимиз бир хушxabарни эшитиб, янада қувондик.

Ислон конференцияси ташкилоти (ИКТ) таркибидаги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро Ислон ташкилоти (ISESCO) Тошкентни Ислон маданиятининг 2007 йилги умумжаҳон пойтахтларидан бири деб эълон қилди. Бу воқеа мустақил Ватанимиз жаҳон мисёсида тобора эъзоз топаётганининг ўзига ҳос бир эътирофидир. Ўлкамизнинг табаррук ва баракотли гўшаларидан бири Тошкент қадимдан улуғ олимлари, гўзал меъморий обидалари, илм ўчоқлари билан оламга машҳур. Дунёда муносиб қадр-қиммати, шон-шарафи бор. Бу ерда туғилиб ўсган, камолга етган Абу Бакр Қафқол Шоший, Шайх Хованди Тохур, Хожа Аҳрор Валийдек алломаларни ким билмайди дейсиз!..

Тошкентнинг кейинги юз йилликда, айниқса, юртимиз мустақилликка эришганидан кейин халқаро обрўйи яна ҳам ортди. Бугунги Тошкентни чиндан ҳам ислоний маданият бешикларидан бири деса арзийди. Зеро, шаҳримиз кутубхоналарида минглаб нодир қўлёзма ва босма китоблар кўз қорачиғидек асраб келинади. Айниқса, Ҳазрати Усмон (розийаллоҳу анҳу) Мусхафнинг Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётгани барчамизнинг фахримиз. Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли қўлёзмалар жамғармаси, Адабиёт музейи ва бошқа ўқув даргоҳларида ҳам Ислон маданиятига оид жуда кўп нодир асарлар сақланади. Шунингдек, шаҳарнинг кўркига кўрк қўшиб турган Кўкалош, Абулқосим мадрасалари, Шайх Хованди Тохур, Шайх Зайнидин, Қўйлиқ ота, Зангиота зиёратгоҳлари асарлар оша яшаб келаётган Шарқ мусулмон меъморлигининг мумтоз намуналаридир. Шундай қадрли жойлардан бири — Ҳас

Имом мажмуаси (Тилла Шайх жомеъ масжиди, Бароқхон ва Мўйи Муборак мадрасалари, Абу Бакр Қафқол Шоший зиёратгоҳи) бугун давлатимиз томонидан тубдан қайта таъмирланяпти. Қурилиш-созлаш ишлари битгач, Ҳаси Имом мажмуаси, иншааллоҳ, пойтахтимиз маҳобатига ярашган кўркам диний-маърифий марказга айланишига ишонамиз.

Тошкент диний илмлар маркази сифатида ҳам ўзига яраша шонли тарихга эга. 1971 йили бу ерда ташкил этилган Имом Бухорий номидаги Ислон институти қисқа муддат ичида собиқ совет мамлакатидан ташқари бу ёғи Ветнамдан тортиб, у ёғи Булғористонгача худудларга жуда кўплаб олимлар, имомлар етиштириб берди. Бундан ташқари ҳозирги кунда Кўкалош мадрасаси ҳамда Хадичаи Кубро номидаги аёл-қизлар Ислон ўрта-маҳсус билим юрти ҳам илм зиёсини таратяпти. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан Тошкент Ислон университети ташкил этилгани нур устига нур бўлди. Бу ҳол ҳартомонлама пухта ислоний илм олиш учун барча имкониятлар пойтахтимизда етарли эканига далилатдир.

Тошкентнинг Ислон маданияти умумжаҳон пойтахти деб эълон этилиши, шубҳасиз, муҳташам ва қадрдон шаҳримизга бутун дунёнинг нигоҳини қаратади, жаҳон халқларининг қизиқишини янада орттиради. Мутахассис ва сайёҳлар, зиёратчилар ҳар бир гўшамизни кўздан ўтказишга, хусусан, меҳмондўст ва олижаноб халқимизнинг имон-эътиқодини, яшаш тарзини, урф-одатларини янада яхшироқ ўрганишга бел боғлашлари табиий. Бу ҳол бизни қувонтиради, албатта. Айни пайтда зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Чунки қадимдан Ислон маданияти марказларидан бўлган, улуғ олимларнинг бешигини тебратган юрт фарзандларимиз. Бу фаҳрга муносиб эканимизни чуқур билим ва гўзал ахлоқимиз билан амалда кўрсатишимиз керак.

Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) марҳамат қилганларидек, биз мўминлар ҳар доим бир-биримиз учун гўзал ибратлар кўзгуси, ғамхўрлик, бағрикенглик намунаси бўлишимиз лозим.

Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий



Саодат қўрғони

Оламда биз билган ва билмаган нарсалар жуфт яратилган (*Ёсин*, 36). Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло жуфтликни махлуқотларнинг кўпайишига ва ер юзида ҳаётнинг давомийлигига боис қилган.

Аллоҳ таоло махлуқотларидан фақат инсоннинг жуфтлик ҳаёти унинг шарафига мос ва қадрини асровчи низом (никоҳ) асосида бўлишини ирода этган. Жуфтлик ҳаётларини шу низом асосида қуриб ва унинг талабларига риоя қилиб яшаган эр ва аёлнинг бахтиёр ва саодатли бўлиши муқаррардир.

Жуфтликни истаган эр ва аёл, у низомга асосан, аҳдларини гувоҳлар ҳузурда эълон қилишлари лозим. Бу ила аёл шаъни ва иффатини, эр ғурурини ҳимоя қиладиган, улар зурриёти вояга етадиган оила деб номланган дахлсиз қўрғон бино бўлади.

Оила қўрғонини бино қилиш осон кўринса-да, уни асраб қолиш жуфтлик ҳаётига асос бўлган илоҳий низомнинг қолган бандларига тўла риоя қилишга, эр ва хотиннинг вазифа ва масъулиятларини адо этишларига, уларнинг хулқларига, хос-сатан, хотиннинг хулқига боғлиқ.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар: “Мўминлар ичида имони комили хулқи яхшиларидир. Сизларнинг ичларингизда яхшиларингиз аёлларига яхшиларингиздир” (*Термизий*).

“Эй Аллоҳнинг расули, аёлларнинг қандоғи энг яхшисидир?” деб сўрашди. “Эрининг кўзини қувонтирадиган, амрига итоат этадиган, ўзини тутуши ва молини тасарруф этишида эри ёқтирмайдиган ҳолатга йўл қўймайдиган аёлдир”, дедилар (*Термизий ривояти*).

Динимиз гоёларидан бири эр ва хотиннинг жуфтлик ҳаётлари давомийлигини асрашдир. Динимиз ҳукмига кўра эр ва аёлнинг жуфт бўлиб яшашга аҳдлари (никоҳ) ҳаётлари охиригача давом этиши учун, эр ва хотинга уйни саодат масканига айлан-тириш учун, фарзандларини солиҳ, комил хулқли этиб тарбиялаш учун боғланади. Эр ва хотинлик битими энг мустаҳкам битимдир (*Нисо*, 21).

Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар: “Уйланинглр ва ажрашманглр! Зеро, ажралиш (та-лок)дан Раҳмоннинг арши ларзага келади”.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Нуриддин ҲОШИМОВ
Анвар ТУРСУН
Неъматилла ИБРОҲИМОВ
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Зоҳидилло МУНАВВАРОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Эркин МАЛИК
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ
Абдул Жалил ХУЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матни

Райҳона ХОЛБЕК қизи
терди

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.374. 224-34-04
Раҳбари Ўқтам ҳожи Умрзоқ
Фарғона вилояти — 8.373. 222-12-38
Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин
Сурхондарё вилояти — 8.376. 226-05-08
Раҳбари Низомиддин Чори

Манзилимиз:

700021 Тошкент шаҳри
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;
Тел: 149-18-26, тел.факс: 144-36-53.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.uz
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2007 йил 7 февралда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2007 йил 8 февралда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 23000 нусха. 22-сон буюртма. «KOH NUR» МЧЖда босилди.

Қўлзмалар қайтарилмайди. Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Бугуннинг гапи	
Усмонхон АЛИМОВ	
Тошкентга олий мақом берилди	1
Таянч нуқта	
Саодат кўргони	2
Ҳожилар ҳаж ҳақида	
Аҳмад МУҲАММАД	
Макка манзаралари	4
ЎМИ ҳаёти	
Имом-хатиблар йиғилиши	
Обиддин ЭЛТОЕВ	
Нодир кўлёмалар кўргазмаси	10
Амри маъруф	
Абдураззоқ ЮНУС	
Эр киши шафқатли бўлади	11
Мактуб	
Иброҳим РАҲИМ	
Ҳикматли сафар	15
Ижтимоий ҳимоя йили	
Вафо ТОҒГУЗАРЛИ	
Кўлда ҳасса, кўзда кўзойнак билан... ..	16
Саҳобалар ҳаётидан	
Жаъфар ибн Абу Толиб	18
Мужда	
Алишер ФАЙЗ	
Ўқиган эл етар муродга	21
Дарсхона	
Акмал АВАЗ	
Тиб ҳукмлари	24
Шеърят	
Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ	
Худойим! Юрагимга тикла туғинни!	26
Аширмат ТОЛИБ	
Яссавий йўлида	27
Мунаввар олам	
Ашурали ЖЎРАЕВ	
Маънавий нур	31
Болалар саҳифаси	
Эркин БОБО	
Яхши кунларга етказсин	32

Фикр

САВДОНИНГ
УМУМИЙ
ҚОИДАЛАРИ

Она-бола қўйларни сотувчи: “Буларни юз минг сўмга сотдим”, дегач, сотиб олувчи: “Фақат она қўйни олтмиш минг сўмга сотиб олдим” ё “Сотиб оламан”, деса ёки бозорни айланиб келиб, сўнг “Юз минг сўмга олдим”, деб айтса, савдо бўлмайди.

7

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

12

Икки юз миллион нусхадан ортиқ

Мадинаи мунавварадаги қирол Фаҳд босмаҳона-мажмуи йигирма йил давомида Куръони карим, унинг тафсирилари ва маъно таржималарини икки юз миллиондан ортиқ нусхада чоп этди.

Ҳаж таасуротлари

Собитхон ҒУЛОМХОН ҳожи ўғли

МУСУЛМОНЛИКНИНГ
АВВАЛИ МУҲАББАТ

Малайзиялик бир ҳожи эҳромининг попути сумкамнинг ёпқичи орасига кириб қолибди. Билмасдан тортганида сумкам тушиб кетди. Шунда у юзимга юзини кўйиб, “Роббана лаа тузиг қулубана баъдаиз...” дусини ўқиб, ўртамизда гилли-ғашлик қолмасин, деб ўтиниб-ўтиниб узр сўради.

22

Муносабат

Мансурхон ТОИРОВ

ЁРУҒЛИК САРИ



Дунёда яратилган барча ихтироларни “сув қилиб ичиб” юборишни бир зум ҳам унутмаслигимиз шарт. Бу вазифани фақат ёшларимиз уддалалай олади. Бунга эътиборсиз қарасак, илмий тараққиётда илғор давлатлар билан орамиздаги масофа узайиб бораверади.

Ҳамма йўллар Ҳарамга олиб боради

Маккаи мукаррама... Дунёдаги энг мукаррам, ардоқли шаҳар. Қуръони каримда бир неча марта зикри келган тинчлик-омонлик, осойишталик, эмин-эркинлик диёри. Илк ваҳий индирилган муаззам ўлка. Инсониятнинг сўнгги пайғамбари Муҳаммад (алайҳиссалом) туғилган, камолга етган, пайғамбар ва элчи қилиб юборилган табаррук шаҳар.

Шаҳарнинг ҳамма йўллари Масжиди Ҳарамга олиб боради. Маккага келиб тушувчи барча

қони айна шу кўчага тўкилгандир?

Ҳарамга яқинлашганимиз сари қадамлар тезлашади. Мана, орзиқиб кутилган Байтуллоҳ! Ярим тун бўлишига қарамай, ҳаммаёқ сутдай оппоқ, ойдин. Масжиднинг муаззам дарвозалари, хонақоҳлари нурга чўмилган. Йўлларда нур, пештоқларда нур, одамларнинг кийимида нур, юзларда нур, нигоҳларда нур. Аллоҳ таолонинг нури ҳамма ёқни порлоқ қилиб юборгандай!

“Салом” эшигидан “Бисмиллоҳ” билан ичкарига кирамиз.

қўрқувчи қалб, зикрга шошувчи тил сўраб келдик. Бизларга фақат ҳалол нарсани, ҳақиқий тавбани, ўлим пайтидаги роҳатни, раҳмат ва мағфиратни, ҳисоб вақтидаги афвни, жаннатни насиб эт. Аллоҳим, ҳажимизни мабрур, саъйимизни машкур, гуноҳларимизни мағфур, амалларимизни мақбул қилгин!”

Масжиддаги воқеа

Ҳамхонам Зокиржон ҳожи билан ҳар куни тунги иккида Ҳарамга ибодат қилгани жўнаймиз. Бугун ҳам одатдагидай мас-

МАККА МАНЗАРАЛАРИ

ҳожиларни фақат бир туйғу ўраб-чирмайди. Улар мусофирхоналарга жойлашиб-жойлашмай Ҳарамга ошиқишади. Тезроқ Аллоҳ таолога қуллик изҳор этиш, гуноҳлар мағфиратини, ухровий ва дунёвий ҳожатларини сўраш учун Унинг Байтига талпинишади.

Кўчаларни тўлдириб бораётган оппоқ кийимли одамлар оқимиға қўшиламыз. Уларнинг ватанлари бошқа, ирқлари бўлак, тиллари турлича, ранглари турфа хил. Ҳатто урф-одатлари, тутумлари ҳам фарқли. Аммо кийимлари бир хил, эътиқодлари бир хил. Қалбларида Аллоҳга ва Унинг Байтига муҳаббат жўш уради. Кўзларида тавба-тазарру, надомат ёшлари. Тилларида “Лаббайка”, такбир, таҳлил, истиғфор дуолари. Оҳиста авайлаб қадамлар ташлашади. Ахир, бу йўлдан Ҳазрати Расулуллоҳ ўтганлар! Бу йўлдан у зотнинг сафдошлари неча бор Ҳарамга қатнашган! Балки Исломнинг илк шаҳидлари



Атрофида оппоқ кийимли кишилар айланаётган ўртадаги Каъбага назарларимиз тушади:

“Ла илаҳа иллаллоҳ, Аллоҳу акбар! Парвардигорим, ушбу Байтингни ҳамма тавоф қилгани учунгина севмаймиз. Ушбу Байтингни унга заррин каъбапўш ёпилгани, жимжимадор нақши-нигорли эшиги борлиги учунгина севмаймиз. Каъба тимсолида Сенинг раҳматингдан умидвор бўлиб, мағфиратингни тилаб, дуоларимиз ижобатини сўраб, тавба-ўтинчларимизни изҳор қилиб хузурингга бош уриб келдик. Байтинг ҳаққи-хурмати, Сендан комил имон, содиқ ишонч, кенг ризқ,

жидга кириб, шундоққина Каъба кўриниб турган ўринда жойлашдик. Аввал нафл намозларимизни ўқидик. Сўнгра Қуръони каримни хатм қилишни давом эттирдик. Шу пайт кўзим мендан икки қадам нарида ибодат қилаётган новчагина йигитга тушди. Эҳромдаги бу йигит кўринишидан Оврупа мамлакатларининг бири-

дан келганга ўхшайди: оқ юз, малла соч, кўзлари кўкиш.

Лекин ҳозир мени унинг ташқи қиёфаси қизиқтирмаётган эди. Тик ҳолатда Каъбага юзланиб, кўзларини дуога кўтарган, кўзларидан ёш жаласи қуйилади. У шунчалар хокисорлик, муҳаббат ва ихлос билан дуоилтижо қилар эди, беихтиёр ҳавасим келиб кетди. Кейин масжиднинг оппоқ мармарлари устида намоз ўқишга киришди. Намозни тугатиб, яна боягидай ихлос билан узоқ дуо қилди. Сўнг ёнидаги китоб тоқчасидан Қуръони каримни олиб тиловат бошлади.

Толиқиб, ҳар гал кўзларим-

га бир оз дам бермоқчи бўлганимда унинг ҳолатини кузатаман. Оврупалик ҳожи энди қироатини тугатиб, яна тик турганича дуо бошлаган эди. Йиғи аралаш анча вақт дуо қилиб турди. Кейин ерга ўтириб, тиззаларини кучоқлаган ҳолатда Каъбага узоқ тикилиб ўтирди.

Қанча вақт ўтганини билмайман. Бир пайт қарасам, оврупалик йигит сафар халтасини бошига қўйиб, ётишга тайёргарлик қўряпти. “Ибодат қилавериб чарчабди-да, энди бомдод намозигача бир оз мизғиб олса керак”, деган фикр хаёлимдан ўтди. У атрофидаги намозхонларга озор бериб қўймаслик учун гужанак ҳолатга кириб, халтасига бош қўйганича, аста чўзилди. Бўйи салкам икки метрли кишининг бир метрга етиб-етмаган жойда ухлашини бир тасаввур қилинг. Аммо йигит бу ноқулайликка асло парво қилмай, совуқ мрамар устида ором истар эди. Уни ухлашга ётди деб нотўғри ўйлаган эканман. Малласоч йигит ёнбошлаган ҳолатда қўлида тасбеҳ билан такбиру тахлилларни бошлаб юборган эди.

Вақт бомдодга яқинлашгани учун кўпчиликни мудроқ олган, шайтон васвасани кучайтирган. Бояги йигитни ҳам уйку элигиб, ҳозир қўлидан тасбеҳ тушиб кетса керак, деган хаёлда бир неча бор у томонга кўз ташлаб қўйдим. Йўқ, ҳар гал тасбеҳ доналарининг оҳиста ўтишини, лабларининг пичирлаётганини кўравердим. Бир оз вақт ўтгач, у ўрнидан дик этиб турди-да, яна Каъбага юзланиб, дуога қўл очди.

Оврупалик нотаниш йигитнинг бунчалик ихлос билан ибодат қилаётганини кўриб, совға-салом илинжида дўкон кезиб, меҳмонхонада беҳуда суҳбатлар ва уйку билан қимматли қанча вақтларини совурган айрим инсонлар эсимга тушди. Мусулмон бўлмаган

ўлкада, мусулмон бўлмаган кишилар орасида улғайган бу йигитнинг Аллоҳ таолога муҳаббати ҳар биримиз учун энг яхши сабоқ эди.

Бу йигитдан ўрнак олинг

Пешин намозини кутиб, Ҳарамда тиловат, зикр қилиб ўтирибмиз. Каъбани минг-минглаб ҳожи тавоф қиляпти. Шу пайт ёнгинамизга бир йигит майиблар аравачасида ўтирган бир қария билан келиб қолди. Аравачани сафга қўйиб, ўзи унинг орқасидаги халтачадан кичикроқ тоғорача ва сув идиши олди. Кўксига осилган қоғоздан унинг Доғистондан экани кўриниб турарди. Қизиқсиниб турганимни кўриб, гап очди:

— Отам анчадан буён дард чекадилар. Бу йил ҳажга олиб борасан, келгуси йилгача борманми-йўқми, деб туриб олдилар. Яхшиям, аравача бор экан, шунда ибодат қилдириб юрибман. Бомдод намозига олиб келувдим. Намоздан кейин ухлаб қолиб, таҳоратлари синди. Бохабар бўлиб турсангиз, мен замзам олиб келиб таҳорат қилдириб қўярдим.

Идишини кўтариб, сувга кетди. Ҳатто кўлларини қимирлатишга кучи етмаётган, нурсиз кўзларини очиб туришга ҳам мажоли қолмаган отахоннинг бунчалик машаққатли сафарга ғайрат қилганига тасанно айтиб ўтирдим. Шу пайт доғистонлик йигит келди, тоғорани отанинг тиззасига қўйиб, уни таҳорат қилдира бошлади. Кейин тоғорани ерга қўйиб, оёқларини ювишга киришди. Таҳорат қилдириб бўлгач, сочиқ олиб отахоннинг ювилган аъзоларини бирма-бир артди. Кейин аравачани Каъба тарафга тўғрилади-да, ёнига жойнамоз солиб, ўзи ҳам намоз ўқишга киришди.



Қари отасини узоқ Доғистондан ҳаж қилдиргани аравачада олиб келган, уни ҳар куни ибодат учун Ҳарамга етаклаб келаётган, кунига бир неча марта таҳоратигача қилдираётган бахтиёр ўғилнинг матонатига тасанно айтиб ўтирар эканман, беихтиёр ичимдан шундай оғриқли гаплар отилиб чиқди:

— Эй отани ҳурматлашни унутиб қўйган, уларга итоат қилмаётган, дилини оғритаётган, улғайтириб-тарбиялаган бузрукворидан хабар олмай, ўз ҳолига ташлаб қўйган, уларни ҳақоратлаётган, ҳатто, қўл кўтаришгача борган, қариялар уйига олиб бориб ташлаган нобакор фарзандлар! Отани ҳурматлашни, унга эҳтиром кўрсатиб, дуосини олишни мана бу йигитдан ўрганинг! Зеро, ота дуоси, унинг розилиги жаннат эшикларининг очқичидир!

“Ассалом, эй Байтуллоҳ!”

Одатдагидай ярим тунда Ҳарамга етиб бордим. Пойабзалимни ечиб, энди дарвозадан кирмоқчи бўлиб турганимда ажиб бир манзаранинг шоҳиди бўлдим. Қорачадан келган бир йигит (афтидан, турк бўлса керак) икки ёшлар чамасидаги, жингалаксочли қизчасини кўтариб масжидга кириб кетаётган экан. Қизча даласининг елкасига бошини қўйганича донг қотиб ухлаб ётибди. Жажжи қўлчала-

рининг бири отанинг бўйнига чирмашган, бошқаси ёнга осилган. “Боланинг уйқусини бузиб, ярим тунда масжидга олиб келиш шартмиди?” деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Ҳатто бу бемехр отадан бир оз ўпкалаган бўлдим.

Қизчасини кўтарган турк йигити “Бисмиллаҳ” дея Ҳарамга қадам кўяр экан, елкасида ўтирган қизчаси уйку босган кўзларини очолмаган ҳолатда бир неча бор “Ассалам, йа Байтуллоҳ!”, “Ассалам, йа Байтуллоҳ!” дея Масжиди Ҳарамга салом берди. Ҳайратдан қотиб қолдим. Бутун вужудимга титроқ кирди, кўзимга ёш қалқди. “Субҳоналлоҳ!”. Шундай мурғак ёшдаги, уйкудан кўз очолмаган ҳолатдаги қизалоққа Аллоҳнинг Байтига салом билан киришни ким ўргатган? Ҳатто уйқусираётган бўлишига қарамай, бундай салом айтишни у қайси бахтли инсонлардан ўрганган? Боягина жажжи қизалоғига бемехрликда айблаб, ич-ичимдан ёқтирмай турганим турк йигитнинг олдига бориб, маҳкам кучган ҳолда: “Раҳмат сизга! Шундай ажойиб қизчани тарбиялаганингиз учун Аллоҳ сизга икки дунё саодатини берсин!” деб дуо қилгим келди.

Шунда лоп этиб кечагина бўлиб ўтган воқеа ёдимга тушди. Жума намозида издиҳом катта бўлишини билганимиз учун масжидга эртарақ этиб бордик. Жойлашиб, зикруллоҳ, Куръони карим тиловати билан машғул бўлдик. Шу пайт кейинги сафдан эшитилаётган гап-сўзлар диққатимни тортди. Эътибор қилмай, олдимдаги китобга тикилдим. Бироқ орқадаги юртдошларимнинг суҳбати фикримни чалғитаверди. Сабрим тугаб, ортга ўтирилдим. Соч-соқоли оқарган, етмишларга бориб қолган бир қария ўрта ёшлардаги шеригига нечта фарзанди борлиги, каттасига қаердан участка қилгани, уйларни қандай қургани, нима дарахтлар ўтқазгани ҳақида узундан-узун ҳикоя

бошлаган эди. Жума хутбаси бошланди ҳам, уларнинг баланд овоздаги суҳбати тугай демасди. Биргина мен эмас, ён-атрофдаги намозхонларнинг норози нигоҳларига парво қилмай, гаплашаверишди.

Шу муносабат билан кеча кўнглимга тошдай ўрнашиб қолган ўкинч музини ҳартугул бугун бу мурғак қизалоқнинг уйқусираган лабларидан учган сўзлар эритиб юборди...

Макка кабутарлари

Маккада энг кўп учрайдиган жонзот, менимча, кабутарлар бўлса керак. Қаёққа қараманг, танаси кулранг, бўйни атрофи эса худди маржон каби ранг-баранг товланувчи ана шу беозор қушларга кўзингиз тушади. Улар одамлардан ҳуркишмайди. Ҳарам атрофига, кўчаларга, майдончаларга сепилган донлардан еб, ризқларини териб юришади.

Айниқса, Масжиди Ҳарам атрофидаги кабутарларнинг саногига етиш қийин. Савобталаб ҳожилар елим халтачаларда сотилаётган буғдойдан харид қилиб, қушларга сочишади. Улардан еб, қорни тўйган кабутарлар худди буйруққа кулоқ солгандай



бирданига шиддат билан ҳавога кўтарилишади. Ҳарам устида бир неча бор чарх уриб айланишади. Ўз тилларида нималардир деб “ғув-ғув”лашади.

Уларнинг парвозини, самодда тўхтовсиз айланишини кўриб, ҳавасим келади. Ҳар гал улар Байтуллоҳни тавоф қилаётгандай туюлаверади. Байтуллоҳ Маъмурни тинмай тавоф қилувчи фаришталарга ўхшатиб юбораман бу кабутарларни. Одамлар воситасида Аллоҳ таоло юборган мўл-кўл ризқ билан таомланиб, шукронасига Байтуллоҳ тавофи ва Аллоҳнинг зикри билан жавоб қайтараётгандай туюлаверади. Ҳатто уларнинг “ғув-ғув”лари қулоғимга “хуваллоҳ” (У Аллоҳ) бўлиб киради. Уларнинг бу қилиқларини кўриб, Аллоҳ берган ризқни еб, У ато қилган уй-жой, кийим-кечак, мол-дунё, ашёлар, ширин-шакар фарзандлар, соғлиқ, куч-қувват, ақл-идрок каби неъматларга шукр қилмаётган бандалар эса тушади.

Яна бир нарса диққатимни тортди. Ҳарам устида ва атрофида шунчалик кўп кабутар учиб-қўниб юрганига қарамай, бирор жойга уларнинг ахлат ташлаганини ёки фаррошлар улар ахлатини тозалаётганини кўрмадим. Аввалига ҳайрон бўлдим. Кейинроқ бунинг сирини маълум бўлди. Бир куни адашиб, Ҳарамга бориш йўлини тополмай қолдим. Бир кўчадан кетаётсам, қурилиш учун кавлаб қўйилган кенгина чуқур ичида минг-минглаб кабутар ғужғон қайнар, бир галаси учиб кетса, бошқа гала келиб қўнар эди. Улкан қурилиш майдони кабутар ахлатига тўлиб кетган эди. Шунча қушга “ҳожатхона”га боришни ким ўргатиб қўйган экан? Ақлсиз қушларнинг бу қилиғини кўриб, беихтиёр такбир айтиб юбордим.

Аҳмад МУҲАММАД

Тошкент — Макка — Тошкент

Тирик инсоннинг эҳтиёжи кўп. Инсон яшаши учун нон, кийим, уй, жой ва яна кўп нарсалар керак. Аммо уларнинг ҳаммасини ўзи ишлаб чиқаролмайди, бунга имкони йўқ. Муҳтож бўлган нарсаларни ўғирлаб ё босқинчилик билан эгаллаш мумкин эмас, ер юзи пароканда бўлади.

Қуръони карим Нисо сурасининг 29-оятда бундай мазмунда хитоб бор: “Эй мўминлар! Бирингиз бирингизнинг молини ноҳақ йўллар билан еманг! Ўзганинг молини фақат рози бўлиб савдо қилиш билан олгач ейишингиз мумкин”.

Савдо ер юзида тинчлик ва осойишталикни таъминловчи асосий омиллардан бири. Савдо тартибига риоя қилинган жамиятда сотувчи ва олувчи бир-бирларини дуо қилади, раҳмат айтади. Барака ҳам шунда.

Савдо мол айирбошлаш бўлиши билан бирга кишиларнинг ахлоқини акс эттирувчи кўзгу ҳамдир. Савдода кишининг тўғрисиқлиги, ваъдага вафодорлиги, омонатга содиқлиги каби кўплаб ахлоқий фазилатлар намоён бўлади.

Бирор жамиятда савдо қилмайдиган киши деярли топилмайди. Ҳар бир инсон нимадир сотиб олади ё сотади. Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) савдо қонун-қоидаларини билмаганларни ўзига ё ўзгага зарар қилмасин деб бозорга киритмас эканлар. Ҳақиқатдан, савдо қоидаларини билмаслик оқибати хатарлидир. Шунинг учун савдога доир баъзи қоидаларни ёдга олишни лозим кўрдик.

САВДОНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ



Фақат қийматли молнигина сотиш ё сотиб олиш мумкин. Ҳамма ёки баъзиларнинг кўнгли тусайдиган ва зарур вақтгача сақлаб қўйиш мумкин бўлган, шаръан фойдаланиш жоиз нарса қийматли мол ҳисобланади.

Сотувчи ва сотиб олувчининг молни сотишга ва сотиб олишга розилигини билдирувчи сўз ё амал савдонинг рукни, асосидир.

Амалга ошган савдонинг ҳукми сотиб олувчининг молга, сотувчининг пулга эга бўлишидир.

Савдонинг бўлиши, тугаллиги, тўғрилиги ва амалга ошишининг шартлари бор.

Биринчидан, сотувчи ҳам, олувчи ҳам ақлли бўлишлари керак. Мажнун ва фойда-зарарни билмайдиган ёш боланинг савдоси бўлмайди.

Иккинчидан, сотувчи ва олувчининг савдога розилигини билдирувчи сўзлари бир-бирига мувофиқ, ўтган замон шаклида ва бир жойда айтилиши керак. Масалан, она-бола қўйларни сотувчи: “Буларни юз минг сўмга сотдим”, дегач, сотиб олувчи: “Фақат она қўйни олтмиш минг сўмга сотиб олдим” ё “Сотиб оламан”, деса ёки бозорни айланиб келиб, сўнг “Юз минг сўмга олдим”, деб айтса, савдо бўлмайди. Чунки, биринчидан, сотиб олувчининг сўзи сотувчининг сўзига мувофиқ келмади, иккинчидан, келаси замон шаклида бўлди, учинчидан, сотувчи “сотдим” деган жойда “олдим” демади, балки айланиб келиб, сўнг айтди. Бунда савдога розиликни

билдирувчи сўзлар бир жойда бўлган ҳисобланмайди.

Учинчидан, сотилаётган нарса мавжуд ва олувчига уни топшириш мумкин бўлиши керак. Йўқ нарсани, йўқ бўлиш хавфи бор нарсани (масалан, етилмаган мева, овланмаган қуш ё балиқни) сотиб бўлмайди.

Тўртинчидан, сотилаётган нарса сотувчининг мулки бўлиши ё сотувчининг уни сотишга ваколлати бўлиши керак. Бу талаб савдонинг тугал бўлиш шартидир. Бировнинг мулкени унинг рухсатисиз сотиш мумкин эмас.

Бешинчидан, сотилаётган нарса ва унга тўланадиган пул миқдори аниқ бўлиши, савдони бузувчи шартлар (кейин баён этилади) қўйилмаслиги, савдога икки тараф ҳам рози бўлиши, мол насияга сотилганида, пулни тўлаш кунни аниқ белгиланиши, кўчмас мулкдан бошқа молларни харидор қабул қилиб олиши лозим. Бу саналганлар ва юқоридаги шартлардан бири бўлмаса, савдо тўғри ва дуруст бўлмайди.

Мазкур шартларнинг бирортаси бузилмаса ҳамда сотувчи ва олувчида ёки уларнинг бирида алоҳида бобларда зикр этилажак ихтиёрлардан (савдодан айниш ихтиёрлари) бири бўлмаса, савдо амалга ошган ҳисобланади ва сотилган мол сотиб олувчининг, унга тўланган пул сотувчининг мулки бўлиб қолади.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

(Давоми келгуси сонда)

ЭНГ ЁМОН

САККИЗ

Учинчи тоифа қалбларида мўмин биродарларига нисбатан бугзу адоват сақлаган ҳолда уларни кўрганларида мулозамат қилувчи кимсалар. Бу тоифадаги кишилар кўрганида яхши га-

ТОИФА

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Саккиз тоифа киши қиёмат куни Аллоҳ таоло махлуқлари ичида энг ёмон ҳисобланади ва азобга қолади”, деганлар.

Биринчиси, ёлғончилар.

Бу тоифадаги кишилар фақат жамиятга, оила-сига зарар етказади. Ёлғончи кимса гуноҳ қилиб, “Қилганим йўқ”, дейди. Оиласига хиёнат қилади, ишхонада бошлиғига ёлғон гапиради, хуллас, сувдан қуруқ чиқиш учун бебаҳо имонини ёлғонга сотади. Шунинг учун Сарвари олам (алайҳиссалом): “Ёлғончи жаннатга кирмайди”, деганлар. Ёлғон сўз имонга уради ва соҳибининг юзидан нурни кетказади. Ёлғончиликнинг ёмон оқибатларидан яна бири — у жамиятга фитна солиб, одамлар орасини бузишидир. Содир бўлган бузғунчиликнинг гуноҳи ёлғон гапирганнинг бўйнида бўлади. Фақат эр-хотинни, қариндош-уруғларни, дўстларни бир-бирига яраштириш мақсадида айтилган ёлғон сўз учун азоб қилинмайди. Чунки бунда ният тамоман бошқачадир.

Иккинчи тоифа кишилар мутакаббирлардир. Яъни, манмансираган, озгина амал учун “Мен фалонийман”, деб ўзини кўз-кўз қиладиган ёки озгина бойлик қўлга кириб қолса, кечаги кунини унутиб, катта гапирадиганлар. Ҳар бир ишнинг ўртача бўлгани яхши, ҳар бир сўзнинг тавозе, камтарона айтилгани ундан ҳам яхши. Мутакаббирлик фарзандлар тарбиясига жуда катта зарар етказади. Борлигида ҳамма нарса исрофи билан сарфланса, болалар бундай исрофга ўрганиб қолишади. Озгина қийинчиликка чидаёлмай “дод-вой” қилади, қиз бўлса, турмушидан ажраб, ўғил бўлса, жиноят қилиб, ота-она бошига турли кулфатлар келтириши мумкин. Шунинг учун Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) доимо камтарликка, ҳар ишда ўртача йўл тутишга чақирганлар.

пириб, сизни мақтаб, йўғингизда ёмонлаб, одамлар кўзига сизни ёмон кўрсатади. Бундайларни иккиюзламачи, мунофиқ деб аташ мумкин. Чунки сизга бир юз, бошқага бир юз билан қарайди. Қалби тоза-пок эмас, сиздаги ишчанликни, тadbиркорликни кўролмайди. Ғийбатингизни қилиб, девор орқасидан тош отади. Сизни кўриб қолса, тошни ташлаб мулозамат қилади. Баъзилар одамларнинг амалига, мансабига, бойлигига қараб муомала қилишади. Кунни келиб, ўша одам мансабдан кетса, тескари қараб кетаверади. Бу иш иломиётга мутлақо тўғри келмайди.

Тўртинчиси, Аллоҳ ва расулининг даъватини секин, шайтоннинг буйруғини эса тез бажарувчилардир.

Одамдан то Ҳазрати Муҳаммадгача барча пайғамбарлар (алайҳимуссалом) инсонларни фақат ҳидоятга чорлашган. Залолат, қон тўкиш, ўғрилик, зинони қаттиқ қоралашган. Жумладан, Куръ-

он ва ҳадис таълимоти мўмин-мусулмонларни тинчликка, аҳил бўлиб яшашга, ҳалол меҳнат қилишга ундаб, бировнинг ҳақидан қўрқишга буюриб туради. Шайтон эса тамомила бунинг акси, инсониятни доимо ёмонликка чақиради.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Мўмин бешта кулфат орасида бўлади. Бир мўмин унга



ҳасад қилади. Мунофиқ уни ёмон кўради. Душман у билан урушади. Шайтон уни адаштиради. Нафси уни саргардон қилади” (*Анас ибн Молик ривояти*), деганлар.

Ароқ ичиб, зино қилиб юрадиган одамнинг кўзига шайтон гуноҳни жилвалантириб, зийнатлаб кўрсатиб қўйган. Шунинг учун Аллоҳ ва расулининг даъватини секин, шайтон даъватини тез бажаради.

Бешинчи тоифа ноҳақ бўлсин қасам ичиб, дунёдан тама қиладиган кишилар.

Бундай кишилар қасам ичиб мол ўтказида ёки озгина фойда пули учун ёлғон гувоҳлик беради. “Мен бу нарсанинг тозалигига кафолат бераман”, деб қасам ичади-да, фойдани олиб кетаверади. Эртаси куни учратиб: “Берган молингда нуқсон бор экан”, десангиз, қасам ичиб, мен сени биринчи бор кўриб турибман, деб яна ўзини оқлаб тураверади.

Бундай кимсалар жамият бошига тушган қуртнинг ўзи, аста ўрмалаб асабингизга тегиб, роҳат қилишади. Сарвари олам бир ҳадисларида бундай деганлар: “Қасам молни ўтказида, аммо баракасини кетказида”.

Бозорларда савдо-сотик қилаётган айримлар тош-тарозидан уриб қолади, харидор ҳақиға хиёнат қилади, назоратчиларнинг қўлига тушса, қасам ичиб, тўртта болам етим, шуларни боқаман деб, яна ёлғон гапирди. Абдуллоҳ Тустарий деган зот бундай дейдилар: “Ҳаром ейдиган одамнинг тана аъзолари хоҳласа-хоҳламаса гуноҳга, ҳалол ейдиган одамники тоатга бораверади. Демак, жамиятнинг соғлом бўлишида, фарзандлар етук инсон бўлиб камолга етишида ҳалол луқмага эътибор бериш жуда муҳимдир”.

Олтинчи тоифадаги кимсалар чақимчилардир.

Чақимчилик энг ёмон иллатлардан ҳисобланади. “Чақимчи жаннатга кирмайди”, деган ҳадис бор. Демак, одамларнинг ўртасини бузувчи фитнагар одамдан жаннат ҳазар қилади. Чақимчи сеҳргардан ёмон, деган ибора ҳам бежиз айтилмаган. Сеҳргар сеҳри билан одамларнинг кўзини бўяса, чақимчи гапи билан одамлар қалбини тирнайди. Сеҳргар кўрсатган сеҳр томошагоҳда қолади, чақимчилик билан узилган дўстлик, қариндошлик ришталарини улашга кўп вақт ва ҳаракат керак. Демак, чақимчи жаннатга кирмаслигининг сабаби одамлар ва жамиятни бузишидир.

Аммо бирор кимса адашиб гуноҳ қилаётган бўлса ёки жиноятга қўл ураётган бўлса, бунинг олдини олиш ва тарбия бериш учун унинг яқинларини огоҳ этиш чақимчиликка кирмайди. Чунки бу ерда ният томоман бошқача.

Еттинчи тоифадаги кимсалар дўст-биродар кишиларни бир-биридан айиришга ҳаракат қилиб юривчилардир.

Бундай ҳолат юз берса, қариндош-уруғ, биродарлар ўртасида нохушлик пайдо бўлади. Бу иш билан фақат қалбида ҳасад касаллиги бор одамларгина шуғулланади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, чақимчилар шундай ҳол юз берса, роҳатланади.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) айтадилар: “Аллоҳнинг нусрати аҳил бўлган жамоат устидадир”. Бир маҳалла бир жамоат ҳисобланади, маҳалланинг одамлари иттифоқ бўлса, ҳар бир ишни маслаҳат билан, тўй ва дафн маросимларини ихчам ўтказишга ҳаракат қилса, бундай жамоа Аллоҳнинг раҳматига лойиқ бўлади. Шундай иноқ-аҳил одамларнинг орасини фақат диндан хабари йўқ кимсаларгина бузишга ҳаракат қилишади.

Саккизинчи тоифа гуноҳсиз одамларга ноҳақ бўҳтон қилувчилар.

Бирор воқеани кўзи билан кўрмасдан бировдан гумон қилиб гапириш жамият ёки оила ичига раҳна солади. Тухмат қилиш энг оғир гуноҳлардан ҳисобланади. Чунки туҳмат орқасида жуда катта фожеа туради. Арзимаган бир гап учун одамнинг тақдири ёмон тарафга ўзгариши мумкин. Бу борада жуда кўп ҳадислар, кўрсатмалар бор. Туҳматчилик ахлоққа, эътиқодга зид амал экани исботланган.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) саҳобалардан: “Умматнинг муфлисини биласизларми?” деб сўрадилар. Улар: “Муфлис динори ҳам, моли ҳам бўлмаган кишидир”, дейишди. У зот: “Умматининг муфлиси қиёмат куни намоз, рўза, закот билан келади. Аммо у бировни сўккан, бировнинг молини еган, бировни зинокор деб айблаган, бировнинг қонини тўккан, бировни урганлар. Шу ишлари учун унинг яхшиликларидан олинади. Агар яхшиликлари тўловларига етмаса, уларнинг хатолари олиниб, муфлисга берилади, сўнг дўзахга улоқтирилади”.

Бу муборак пандларни ҳаётга татбиқ қилиб, иложи борича яхши ишлар қилишга, яхши ном қолдиришга, покиза зурриёт тарбиялашга ҳаракат қилинса, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) насихатларига, кўрсатмаларига мувофиқ бўлади.

Юқорида баён этилган саккиз тоифа кишилар гуруҳига кириб қолишдан Аллоҳ таолодан паноҳ тилаймиз.

Турсунтоҳир ХАЙДАРАЛИ ўғли,
Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг
Фарғона вилоятидаги вакили ўринбосари



МАМЛАКАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Имом-хатиблар йиғилиши



Шу йилнинг 31 январ куни пойтахтимизнинг Қоратош маҳалласида Тошкент шаҳри масжидлари имом-хатибларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда пой-

тахтимиз маънавий муҳтидаги янгиликлар, масжид имом-хатибларининг энг долзарб вазифалари борасида фикр-мулоҳазалар айтилди. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов бу йил ҳаж мавсуми ҳар йилгидан яхши ва пухта ўтказилганини таъкидлади. Шароитлар кўнгилдагидек бўлгани учун давлатимиз раҳбарларига, ишчи гуруҳига ва бошқа ҳамкорларга миннатдорлик билдирди.

Муфтий ҳазратлари Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият бўйича ишлари муаассаси ISESCO томонидан Тошкент шаҳри Ислом маданиятининг 2007 йилги пойтахтларидан бири деб эълон қилингани билан йиғилганларни қутлади.

ЎМИ раисининг ўринбосари шайх Абдулазиз Мансур: “Тошкентнинг бундай улуғ мақомга муносиб қўрилганининг икки сабаби бор”, — дея таъкидлади. — Биринчиси, ўтмишда Ислом маданияти тараққиётига улуғ ҳисса қўшган боболаримиз, мовароуннаҳрлик алломаларга ҳурмати бўлса, мустақиллик йиллари юртимизда диний-миллий қадриятларнинг тикланиш борасида амалга оширилган ибратли ишлардир”.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Низомиддин Бахтиёрров ҳаж якунлари ҳақида гапиратуриб, бундан кейин ҳажга борувчилар учун пойтахтда ўқув машғулотлари ташкил этишни таклиф қилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи Ортиқбек Юсупов, Президент девони масъул ходими Камол Комилов ҳам пойтахтимиз масжидлари имом-хатибларини янада фаолроқ ишлашга чақирдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар Турсун олиб борди.

Ўз мухбиримиз

Нодир қўлёзмалар кўргазмаси

Пойтахтимизнинг Темурийлар тарихи давлат музейида “Нодир қўлёзмалар хазинасидан” деб аталган Ислом маданияти меросига оид нодир қўлёзма китоблар кўргазмаси очилди. Мана бир ойдан бери бу мўъжаз кўргазма мухлис ва қизиқувчилар билан гавжум. Кўргазмада, жумладан, Қуръони каримнинг VIII асрда кийик терисига куйий ёзувида битилган Лангар нусхасидан тортиб, XIX асргача моҳир хаттоғлар томонидан кўчирилган гўзал, маҳобатли нусхалари, Маҳмуд Замахшарий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Қушайрий каби атоқли муфассирларнинг машҳур тафсир китоблари қўлёзмаси, ҳадиси шариф ва уларга ёзилган шарҳларнинг қадим қўлёзма нусхаларидан ташқари турк, инглиз ва бошқа тилларга қилинган таржималарини ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари Ислом хазорасида алоҳида тилга олинадиган мовароуннаҳрлик улуғ олимларимизнинг фикр, мантиқ, балоға, тарих, адабиётга оид дурдона асарлари қўлёзмалари бор. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя”, Мавлоно Муборакшоҳ Бухорийнинг “Шарҳул матлаул анвар”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Равзатуш шуҳадо”, Масъуд ибн Умар Тафтазонийнинг “Шарҳал мутаввал”, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикмат”лари, Абдураҳмон Жомийнинг “Нафоҳатул унс”, “Арбаин” каби асарлари шулар жумласидан.



Темурийлар тарихи давлат музейидаги нодир қўлёзмалар кўргазмаси шу йил апрел ойининг ўрталаригача давом этади.

Обиддин ЭЛТОЕВ
ЎМИ кутубхонаси мудири

ЭР КИШИ ШАФҚАТЛИ БЎЛАДИ

Қуръони каримда бундай баён қилинади: “Ўз жинсларингиздан сизлар учун жуфти ҳалоллар яратиб берди, токи улар билан ҳаловатлик турмуш қургайсизлар. Ўргаларингизда меҳр-муҳаббат туйғусини пайдо қилди. Бу эса Аллоҳнинг биру борлигининг нишонларидандир. Ақл-идрокли фикр юритувчилар учун бунда кўп ишорат ва аломатлар бордир” (Рум, 21).

Оила инсоннинг дунёвий саодати қўрғонидир. Унда доимо тинч-тотувлик давом этиши учун эр ва хотин ўзларининг вазифалари, бурчларини тўлиқ адо этиб боришлари лозим.

Уйланиш ниятидаги киши ўзига жуфти ҳалол танлаш вақтида, қиз (аёл)нинг фақат ҳуснига ёки бойлигига алданиб қолмасдан, унинг хулқу одоби, дину диёнатига албатта аҳамият бериши лозим. Чунки баъзилар қизнинг ота-онаси бойлигига қизиқиб уйланади. Сўнг миннат балосига гирифтор бўлади. Аёлнинг ҳусну жамолига учиб уйлангач, афсус-надомат чекканлар ҳам учраб туради.

Шу боис динимиз ахлоқ-одобли, оқила, ибодли, ҳаёли жуфти ҳалол танлашга буюради. Бинобарин, қиз боланинг яхши рўзгор соҳибаси, келажакда ўз фарзандларига суюкли, меҳрибон она бўлишида диндорлигининг катта таъсири бор.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) марҳамат қилганлар: «Албатта, Аллоҳ таоло аёллар билан яхши муомалада бўлишингизни тавсия этади. Чунки улар сизларнинг оналарингиз, қизларингиз ва холаларингиздир...» (Табароний ривояти); «Қизлари кўп уйда барака бўлади» (Ажлий ривояти).

Шундай экан, уларни эъзозлаш, ҳурмат қилиш ва уларга шафқатли бўлиш инсоний бурчимиз эканини асло унутмайлик.

Ҳар бир инсон учун энг азиз ва мўътабар зот унинг онасидир. Расулуллоҳдан (соллаллоху алайҳи ва саллам) Муовия ибн Ҳайда: “Ё Расулуллоҳ, энг аввало кимга яхшилик қилай”, деб сўраганида, у зот: “Онангга, онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил”, деганлар.

Яратганнинг қудрати ва ҳикмати туфайли дунёдаги барча мавжудот жуфт-жуфт бўлиб ҳаёт кечиради. Бундай ҳаёт натижаси ўлароқ янги авлод дунёга келади. Аллоҳ таоло инсонни эркак ва аёл жинсидан яратган экан, уларни ўзи кўрсатиб берган шаръий никоҳ асосида оила қуришга буюради.

Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) турмушга чиқадиган қизларнинг ота-оналарига ҳам тавсиялар берганлар: “Қачон сизлар (қизингизга) келган совчининг дину диёнатидан ва хулқидан рози бўлсангиз, дарҳол унга қизинг-

изни беринг. Агар шундай қилмасангиз, ер юзида фитна-фасод кўпайиб кетади”.

Мазкур ҳадисга биноан, бўлажак келин-куёв бир-бирларини сўраб суриштиришлари жоиздир. Чунки бу иш келажакда оиланинг янада мустаҳкам ва бахтли бўлишига хизмат қилади. Уйланиш ниятидаги йигит билан қиз бир-бирларини кўришлари ҳам жоиз. Бунга қуйидаги ҳадис далилдир: Муғийра ибн Шуъба (розийаллоху анху) айтадилар: «Мен бир аёлга совчи қўйган эдим. Расулуллоҳ менга: “Уни кўрдингми?” дедилар. Мен: “Йўқ”, дедим. Шунда: “Уни кўргин, чунки кўриш орангизда муҳаббат пайдо бўлишига сабаб бўлади”, дедилар».

Уйланишдан мақсад вақтинчалик кўнгилхушлик эмас, балки насл қолдиришдир.

Никоҳ эр зиммасига хотинга маҳр бериш мажбуриятини юклайди. Ҳанафий мазҳабига биноан маҳрнинг энг озининг миқдори ўн дирҳамдан кам бўлмаслиги керак. Аммо ундан кўп бўлиши келин-куёвнинг ўзаро келишувларига ҳавола. Маҳр эр томонидан бўлғуси турмуш ўртоғига унинг никоҳига кирганлиги учун бериладиган, кейин ҳам қайтариб олинмайдиган совғадир. Маҳр хотиннинг хусусий мулкидир.

Қуръони каримда бундай дейилади: “Хотинларга маҳрларини мамнунлик билан берингиз! Агар ўзлари ундан бирор нарсани ихтиёрий равишда кечса (берса)лар, сизлар уни бемалол қабул қилверингизлар” (Нисо, 4).

Никоҳ тўйи шариятимизда жорий бўлиб, унда исрофга йўл қўймаслик лозим. Уламолар шарият манъ этган нарсага қилинган ҳар қандай харажат исрофдир дейишган.

Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Энг баракотли никоҳ оз харажат қилинганидир”, деб марҳамат қилганлар. Баъзилар тўйни дабдабали қилиш билан фарзандларининг бахтини эмас, балки ўзларининг обрўларини ўйлайдилар. Риёкорлик билан қилинган ҳар қандай ишда асло барака бўлмайди.

Абдураззоқ ЮНУС,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси
ўринбосари



ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Данияликлар Қуръон ўрганишяпти



Даниянинг “Фан-констен” нашриёти Қуръони карим маъноларининг таржимасини ўн минг нусхада нашрдан чиқарди. Ўтган йилнинг декабр ойи ичидаёқ

бу ададнинг тенг ярми — беш минг нусхаси сотилиб кетди. Бу кўрсаткич мазкур мамлакатда харидори энг кўп китоблар орасида иккинчи ўрин бўлиб, данияликларнинг Ислом динига ва Қуръони каримга қизиқиши тобора ортаётганидан далолатдир.

Қуръони карим маъноларининг данимарка тилига бу иккинчи таржимасини ёзувчи аёл Элен Волф бажарган. Биринчи таржима муаллифи даниялик мусулмон Абдуллоҳ Мадсон эди. У 1967 йили Қуръони карим маъноларини илк бор ўз она тилига ўгириб наршга тайёрлаган.

“Кристлг дагелбладет” газетаси

“Баракат”нинг илк сони

Абхазия Республикаси мусулмонлари диний бошқармаси нашри “Баракат” газетасининг биринчи сони босмадан чиқди.

Янги нашрнинг илк сони саҳифаларидан Абхазия мусулмонлари диний бошқармаси раиси Одил Фаблийнинг Қурбон ҳайити муносабати билан табриги, Ислом тарихига доир мақолалар, шунингдек, машҳур океаншунос олим капитан Кустони Исломга етаклаган воқеалар тўғрисида ва бошқа мавзуларда ҳикоя қилувчи турли мақолалар ўрин олган.

Абхазияда Ислом анъанавий динлардан бири

ҳисобланади ҳамда қатор масжидлар ва муфтийлик фаолият юритади.

Irend

Юсуф Исломга Тинчлик мукофоти

Британиялик қўшиқчи ва жамоат арбоби Юсуф Ислом Ўртаер денгизи минтақаси тинчлик мукофотининг соҳиби бўлди. Мукофотни топшириш маросими Италиянинг Неапол шаҳрида ўтказилди. Юсуф Ислом бу мукофотга турли маданиятлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун лойиқ топилди.

Юсуф Ислом дастлаб Кэт Стивенс (1966-1977) номи билан машҳур эди. 1977 йили у Исломни қабул қилди, 1979 йили исмини “Юсуф Ислом” деб ўзгартирди. Шундан бери у бутун дунё бўйлаб сафарларида қўшиқлари билан турли дин вакиллари — мухлисларини тинч-тотув, аҳил-иноқ яшашга чақириб келади.



Music

Ислом-насронийлик мулоқоти куни

Камеруннинг Дуола шаҳрида мамлакатда илк бор “Ислом-насроний мулоқоти куни” ўтказилди. Ислом тинчлик, тараққиёт ва маданият уюшмаси ва “Фоколяре” католик ҳаракатининг маҳаллий бўлими бу тадбир ташаббускорлари бўлишди.

Ҳар иккала томон вакиллари ҳам бундай мулоқотни йилига ўтказиб туриш истагини билдиришди. Мақсадлари — мусулмонлар жамоаси билан католик черкови ўртасида яхши муносабатларни мустаҳкамлашдир.

Дуола марказий масжидининг имом-хатиби Мобидо Ийё Дахиру айтишича, бундай тадбирлар мамлакат ижтимоий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Дуола шаҳри архиускуфи номидан сўзлаган руҳоний Пол Нияга ҳам бундай мулоқотлар яхши самара беришига умид билдирди.

Благовест-инфо

Қирол Файсал мукофоти



Татаристон президенти Минтемир Шаймиев Ислом равнақи йўлидаги кўпйиллик фаолияти учун қирол Файсал номидаги халқаро мукофот билан тақдирланди. Саудия

Арабистони Асир вилояти ҳокими, қирол Файсал жамғармаси раиси шаҳзода Холид Файсал шу ҳақда маълум қилди.

Кейинги йилларда Татаристонда Қуръони карим ва бошқа диний манбалар кўп минг нусхада нашр этилди, мадрасалар, Ислом жамиятлари ташкил этилди, Россия Ислом университетига асос солинди.

ИТАР-ТАСС

Россия ISESKOда

Россия Федерацияси Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти ISESKOга кузатувчи мақомида қабул қилинди. Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровдан расмий мурожаат олинганидан сўнг ISESKO бош директори Абдул Азиз Тувайжирий ана шундай қарорга имзо чекди.

Ташқи ишлар вазинининг хатида Россия Федерацияси ҳудудида кўпсонли мусулмонлар жамоаси истиқомат қилиши, шунингдек, мамлакат 2005 йилдан Ислом конференцияси ташкилотига кузатувчи сифатида қабул этилганини назарда тутиб, ISESKO аъзолигига ҳам қабул этишлари сўралган. Шунингдек, мазкур хатда Россия ва мусулмон мамлакатлари ўртасида тинч-тотув ва ҳамдўстлик муносабатларини ривожлантириш юзасидан таклифлар ҳам баён этилган. Тез орада Москва шаҳрида ISESKO ваколатхонаси очилиши кутиляпти.

ИНА

Канн шаҳрида жомеъ

Франция жанубидаги Канн шаҳрида меъморий ечими бетакрор лойиҳа асосида жомеъ масжиди қурила бошланди. Майдони икки минг

квадрат метрни ташкил этган масжидда анъанавий минора ёки гумбаз бўлмайди. Лойиҳага биноан масжид биноси Макка йўналишини кўрсатувчи учбурчаксимон улкан камон ўқи шаклида қад ростлайди.



Лойиҳанинг бундай янгича ечими маҳаллий мусулмонлар етакчиларига маъқул келди. Минора ва гумбазларнинг йўқлиги эътироз уйғотмади. “Минора меъморий ечимга бир қўшимча бўлиб, унинг йўқлиги масжиднинг диний аҳамиятига путур етказмайди”, деди Франция имомлар кенгаши раҳбари Доу Мескин.

Ҳозир Францияда олти миллионга яқин мусулмон яшайди ва Оврупада энг катта мусулмонлар жамоаси ҳисобланади.

IslamOnline

Овроосиё исломий анжумани

Шу йил 11-13 январь кунлари Малайзиянинг собиқ бош вазири Махатхир Муҳаммад хизмат сафари билан Туркиянинг Истамбул шаҳрида бўлди. У Оврупа ва Осиёнинг кўпгина мамлакатларидан

бу ерга келган мусулмонлар ҳузурида дастурий нутқ сўзлади. Бу тадбир Туркия—“Оврупа мусулмонлар иттифоқи” фахрий раисдоши Нажот Ёлчинтош кўмагида ташкил этилган эди.

Махатхир Муҳаммад нутқида мусулмонлар бугунги кунда ҳуррият, бирлик ва тезкор тараққиётни таъминлайдиган узоқ муддатли, кенг қўламли иш йўриғини ишлаб чиқиши зарур эканини уқтирди. Шунингдек, у замонавий технология ва билимларни ўзлаштириш, имомлар ва экспертларнинг жамоадаги ўрни каби бошқа қатор муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳусусида сўз юритди. Уч кунлик сафари давомида Махатхир Муҳаммад Истамбулда “Оврупа мусулмонлар иттифоқи” вакиллари, шунингдек, турк ишбилармонлари ва сиёсатдонлари билан суҳбатлашди.

Islam.ru

Икки юз миллион нусхадан ортиқ

Мадинаи мунавварадаги қирол Фаҳд босмахона-мажмуи йигирма йил давомида Қуръони карим, унинг тафсири ва маъно таржималарини

икки юз миллиондан ортиқ нусхада чоп этди. Шунингдек, босмахона жуда кўп миқдорда буклетлар ва аудиокассеталарни ҳам тарқатган.

Босмахона ҳисоботида кўра, Қуръони карим тафсиллари инглиз, фаранг, урду, немис, рус, турк, испан, юнон, тамил каби жами ўн етти тилда чоп этилган.

ИНА

Рус мусулмонлари миллий ташкилоти

Рус мусулмонлари миллий ташкилоти “Оврупа мусулмонлари иттифоқи”нинг жамоавий аъзоси бўлди. Бу ҳақдаги қарор Истамбулда ўтган Овросиё анжуманида қабул қилинди. “Оврупа мусулмонлари иттифоқи” ҳаётнинг турли соҳаларида мусулмонлар фаолигини уйғунлаштириб бориш мақсадида тузилган эди. Унинг асосий вазифаларидан бири намоз ва закот масалаларини шариатимиз қоидалари асосида ҳал этишга кўмаклашувчи ҳамжамиятлар тузишдан иборатдир.

Турли мамлакатлардаги исломий ташкилотлар “Оврупа мусулмонлари иттифоқи”нинг аъзоларидир. Иттифоқнинг раҳбари немис адвокати Абу Бакр Райгердир. Кейинги йилларда бу ташкилот Россия мусулмонлар ҳамжамияти ривожига доимий қизиқиш билдирыпти. “Оврупа мусулмонлари иттифоқи”нинг вакиллари 2006 йили Москва ҳамда Қозон шаҳарларида бўлиб қайтди.

Islam.ru

Яхши натижалар



2004 йилнинг июнидан 2005 йил июлигача тўрт минг нафар немис Исломни қабул қилди. Бу кўрсаткич олдинги йиллардагидан тўрт баравар кўпдир. Германия Ислом жамоаси таҳлил

маркази маълумотида кўра, мусулмон бўлаётганларнинг асосий қисми яхши таълим-тарбия олган аёллардир. Берлин мусулмонлари раҳбари Муҳаммад Херцог янги немис мусулмонларининг аксарияти қалбларида анъанавий динларига нисбатан иккиланиш туйишгани боис Ислом динини қабул қилишаётганини таъкидлайди.

Шпигел, Портал-Credo

Сархат момо раҳматли бўлди

Дунёда ёши энг улуғ инсон — Доғистон ёлқинлари шаҳрида яшовчи Сархат момо Рашидова 131 ёшида вафот этди. Ўша куни Сархат момо саксон ёшли асранди ўғли ва неваралари давраси-

да эди. Ақл-ҳуши жойида, соғлиғидан шикоят қилмаган кампир столда ўтирган ҳолатда жон берди.

Доғистоннинг Дарбанд тумани маъмурияти раҳбари Қурбон Қурбонов марҳуманинг паспортига суяниб тасдиқлашича, Сархат момо 1875 йили туғилган.

Сархат момо иккинчи умр йўлдошининг вафотидан сўнг ўтган эллик йил ичида Дарбанд туманидаги Юқори Зидян қишлоғида ёлғиз яшаган. Асраб олган ёлғиз ўғли, неварани, чеваралари уни тез-тез зиёрат қилиб туришар эди.

Сархат момо кексайиб қолғунига қадар қолхозда меҳнат қилган, деярли касал бўлмаган, ҳеч қандай дори-дармон қабул қилмаган.

РИА “Дағестан”

Силга қарши

Дунёда энг йирик исломий жамоат ташкилоти (Индонезия) мамлакатда сил хасталигига қарши кескин кураш ташаббуси билан чиқди. Ташкилот раҳбари Ҳошим Музодий айтишича, бу ҳаракат фақат силга эмас, балки қашшоқликка ҳам қарши кураш бўлади. Чунки силдан биринчи навбатда камбағаллар кўпроқ жабр кўришяпти.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти аҳолисининг силга чалиниш даражаси юқори бўлган йигирма икки мамлакат рўйхатини тузган бўлса, улар орасида Индонезия учинчи ўринда туради.

Ташкилотнинг бутун Индонезия бўйлаб очилган шифохоналарида беморлар ҳукумат ҳисобидан олинган дори-дармонлар билан бепул даволанишади. Бундан ташқари ташкилотнинг ўттиздан ортиқ тиббий-маърифий марказларидан ҳар бири махсус гуруҳлар тузиб, силга чалинишнинг олдини олиш, аниқлаш ва муолажа қилиш ишлари билан шуғулланади.

РИА “Новости”

Москва зарбхонасида тайёрланди

Москва зарбхонасида Қуръони каримнинг эритилган олтиндан қуйилган нусхаси тайёрланди. Бу ўзига хос “нашр”нинг аниқ таннархи маълум қилингани йўқ. Бир неча ўн миллион рубл ҳақида сўз борапти. Китобни тайёрлаш учун 14 килодан ортиқ 999 пробали олтин ишлатилган.

Китобнинг тилладан ишланган 163 та varaғи бор. Уларнинг бўйи 14, эни 10 сантиметр. Ки-



тобни тайёрлашда энг олий сифатли ноёб совға-буюмлар ишлаб чиқариш бўйича Россиядаги энг янги технологиялар қўлланди, дейди зарбхона директори Анатолий Богородский.

Зарбхонада Қуръони каримнинг ўн дона олтин нусхасини тайёрлаш кўзда тутилган. Улар асосий дини Ислом бўлган бир неча давлатларнинг бошлиқларига ҳадя этилади. Биринчи олтин нусха эса Россия Федерацияси президенти Владимир Путинга берилади.

Dr.ru

“Москва мусулманская” китоби тақдимоти

Москва шаҳрида “Москва мусулманская” китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлиги, Россия муфтийлар кенгаши, Москва Араб ва исломий тадқиқотлар маркази ва Қирол Файсал номидаги Риёз (Саудия Арабистони) араб ва исломий тадқиқотлар маркази ушбу тадбирнинг ташкилотчилари бўлишди.

Китоб муаллифи Россия Федерациясининг ИКТдаги вакили, Россия муфтийлар кенгаши ахборот-таҳлил марказининг раисдоши Фарид Асадуллин. Тақдимот маросимида “Москва мусулманская” нашри (арабча) бош муҳаррири Туркий Мажид ибн Абдул Азиз иштирок этди. Анжуманни санъатшунос Жаннат Сергей Маркус олиб борди.

РИА “Новости”

Ислом тадқиқот маркази очилади

Мелбурн, Сидней ва Бэрисбен университетлари ҳамкорлигида Австралия исломий тадқиқотлар маркази ташкил этиладиган бўлди. Марказни очиш учун федерал бюджетдан саккиз миллион австралия доллари ажратилади.

Федерал ҳукумат баёнотига кўра, янги тузиладиган марказда мусулмонларнинг дин ва жамоат арбоблари талаб-истакларига мос равишда энг зарур фанлардан ҳартомонлама пухта таълим берилади.

Islam News

ҲИКМАТЛИ САФАР

Тошкентдан хорижга учадиган самолётга чиқдим. Ҳамма қатори ўриндиққа жойлашар эканман, улов ва сафар дуоларини ўқиб, Аллоҳга илтижо қилдим. Мислсиз ва чексиз самода, ҳеч бир нарсанинг ёрдамисиз, жинси темирлардан, оғирлиги тонналардан иборат бўлган учоқда учиб кетар эканман, кичкинагина жоним Аллоҳ измида эканига кўзимда маънос ёш билан яна бир бор амин бўлдим: “Машааллоҳ”.

Лекин учоқ ичидаги аксар инсонларнинг фикр-ўйлари бошқа ёқда. Ҳамма ўзи билан овора. Баъзи бирлари савдо ҳақида гаплашса, баъзилари шахсий муаммолари, уйларида ёлғиз қолган фарзандлари ҳақида куйинишар эди. Баъзи бир чеккалардан “учувчи яхши экан, тинч парвоз қиляпмиз, отанга бали!” деган иборалар қулоғимга чалинар эди. Аллоҳнинг бу самовий кўксаройларидан тинч, осойишта парвоз этаётганлари асли Аллоҳнинг ўзидан бўлаётганини ҳис этиш юзларида кўринмасди.

Учоқ манзилга яқинлашган сари силтай бошлади. Ҳар тарафлари ўйланиб, ўта пухталиқ билан ишланган, соатига минг километрдан тез учадиган учоқ Аллоҳнинг шамоллари олдида ожиз ва заифлигини намоян қилар эди. Бу енгилгина силташлар бардавом бўлганидан одамлар саросимага туша бошлашди. Самодан ерга яқинлашар эканмиз, қўниш майдончасига озгина қолганида учоқ яна са-



мога қайта парвоз қилди. Бу ҳолат одамларни баттароқ ваҳимага туширди. “Гилдираклари очилмай қолди”, деган гаплар ўлганнинг устига тепган бўлди. Ҳамма бирдан тинчиб қолди. Лаблар дуо билан машғул. Бирлари “Ла илаҳа илаллоҳ” деса, бирлари “Аллоҳу акбар”, баъзилари эса тинмай “Ла ҳавла”ни ўқир эди. Ҳатто баъзи мастлар ҳам қўллари дуога очиб, ожизликларини билдира бошлашди. Инсонларни ваҳимага солаётган вазият учоқни бошқараётган учувчилар учун гоҳида шамол-довулга учраганда пайдо бўладиган оддий бир ҳолат эди, холос. Ниҳоят Яратганнинг хоҳиши ила кўп ўтмай учоғимиз ердаги майдончасига қўнди. Ҳамманинг юзида табассум, кимнингдир кўзида ёш, кимнингдир тилидан Аллоҳга ҳамд аримас эди. Ҳикматли Зот синов учун уюштирган кичкинагина бу жонли воқеа ҳар бир ҳолатимизни Аллоҳдан неъмат деб билишга, ўлим нақадар яқин эканидан огоҳ бўлиб, ҳаёт давомида Ўзига итоатда бардавом бўлишга ундади, деб ўйладим. Аллоҳимга ҳамд айтдим. Алҳамду лиллаҳи роббил аъламин.

Иброҳим РАҲИМ,
Қўқон

ҚЎЛДА ҲАССА, КЎЗДА КЎЗОЙНАК БИЛАН...

Кишининг қор-қировли кунларидан бири, яхмалак йўлларда юриш қийин. Тошкентнинг Чўпонота маҳалласида ўрта ёшли бир кишининг ҳасса ёрдамида қадам босиши эътиборимни тортди. Об-ҳаво тўрт мучаси соғ одамларни-да машаққатга солган бу паллада кўзи ожиз бу киши қаяққа кетаётган бўлиши мумкин? “Тирикчилик қурсин, уни ҳам уйда тинчгина ўтиришга қўймагандир-да”, деб хаёлимдан ўтказдим. У қийналиб юраётган бўлса-да, кўринишдан хотиржам, юзида бир мамнуният балқарди. Юрак ютиб қаяққа кетаётганини сўрадим.

— Масжидга, — деди у табиий бир овозда. Жавобида аллақачон бу йўналишга одатлангани сезилиб турарди.

Пешин намозини шу жойда адо этиб олсам, яхши бўлади, деб масжидгача у кишига ҳамроҳлик қилдим. Шу орада азон товуши эшитилди. Кўпқаватли уйларнинг бағрига ёпишгандай яқин жойда чоққина ҳовлини эслатадиган иморатга бурилдик.

Намозни адо этиб, атрофга қарасам, ҳалиги кишидай кўзи ожизлар қавмининг асосий қисмини ташкил этар, ҳасса билан музни уриб, кўтаринки руҳда истиқомат жойларига тарқалишаётган эди.

Кейинроқ “Муҳаммад Амин” номидаги ушбу жомеъ масжидига бир жума намозини адо этишга келдим. Ўн икки ярим

бўлмасидан икки хонақоҳ намозхонлар билан тўлди. Масжид имом-хатиби Қобилжон Жумаев амри маъруф қилгач, Илҳом Назирқулов берилиб азон айтди. Намоздан кейин Равшан Тошхўжаевнинг таъсирли дуоси ҳам қалбларни тўлқинлатди.

Намозхонлардан айримларини суҳбатга тортдим.

Анвар ЭСОНХЎЖАЕВ, нафақадаги журналист, 1983 йилдан буён шу маҳаллада яшайди:

— Ўтган совет даврида кўзи ожизлар у ёқда турсин, тўрт мучаси соғ кишиларнинг ҳам жамоат бўлиб ибодат қилишларига умуман шароит йўқ, тақиқ кучли эди. Алҳамдулиллаҳ, кейинги йилларда аҳвол бутунлай яхши томонга ўзгарди. Ҳатто кўзи ожиз намозхонлар узоққа бормай, қийналмай, ибодатла-

диган хонақоҳ қурилди. Маҳалла масжидига асос солинди. Кувонганимизни кўрсангиз эди.

Вақт ўтган сари масжидимиз қавми кўпайиб борди. Фақат кўзи ожизлар эмас, бошқалар ҳам фарз ибодатини шу ерда адо этадиган бўлишди. Бу ҳолат бизни маҳалла-қўйга яқинлаштирди, меҳр-оқибатни кучайтирди. Шу боис хонақоҳимизга жума намозларида киши сифмайдиган бўлиб қолди. 2004 йил декабрида намозгоҳимиз жомеъ масжиди бўлди. 2005—2006 йиллари имомимиз Қобилжон Жумаев бошчилигида ҳомийлар, қўли очик ҳамшаҳарларимиз ёрдамида хонақоҳга туташ яна бир, 150-200 киши сифадиган намозхона қурилди.

Илҳом НАЗИРҚУЛОВ, масжид муаззини:

— Қавмдошларимиз ичида масжидимизга энг яқин тураман. Бу ҳам Яратганнинг инояти деб шукр қиламан. 1997 йили илк бора Кувайт Халқаро хайрия жамғармаси ёрдамида юртимизда Куръони каримнинг игна хатдаги нусхаси чоп этилиб, биз кўзи ожизлар ҳам Аллоҳнинг китобини ўқий олишимиз мумкин бўлди. Кўпдан армон бўлиб келган орзуйимиз ушалиб, кўксимизга шамол тегди. 2004 йилда Куръ-



рини адо этишлари учун шароит яратилди. 1995 йилда маҳаллаимиздан ер олиниб Мадамин ака Бобожонов, Исматуллоҳ Раҳматовлар бошчилигида даставвал юз чоғли киши сифа-

оннинг игнахат нусхаси иккинчи бор нашр этилиб, масжидимизга алоҳида тақдим қилинди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси рухсати билан “Кўкалдош” мадрасаси мударриси Равшанбек Холиқов кўзи ожизлар маданият саройида Куръони каримни тажвид асосида ўргата бошлади.

Элмурод ҲАМРОЕВ, *Қашқадарёдан, Тошкент Жаҳон тиллари университети таржимонлик факултети талабаси:*

— Мен дунё мусулмонлари ҳаётига жуда қизиқаман. Шу боис ҳам университетда инглиз ва корейс тилларини мукамал ўрганишга ҳаракат қиляпман. Аввало, илмлар боши ва асли Куръони каримни ўқий олиш саодатига нима етсин. Шу масжидга келиб Куръони каримнинг игнахатдаги нусхаси борлигини кўрдим ва бу ердагиларнинг маслаҳати билан Қувайт халқро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон бўлимига мурожаат қилиб, бир нусха шундай Куръони каримга эга бўлдим.

Сафармет ЖАММИЕВ, *шу маҳаллада яшайди:*

— Расулulloҳга (соллаллоху алайҳи ва саллам) кўзи ожиз саҳобалардан бири: “Мен намозимни уйимда ўқисам бўлади-ми?” деб сўраганларида “Масжидга кел”, деб жавоб қилган эканлар. Бу ҳол масжиднинг файзи бошқача бўлиши, кўзи ожизлик ҳам келишга тўсиқ бўлмаслигини билдиради. Ростини айтсам, азон эшитилган жойда яшаб, масжидга чиқилмаса, виждон қийналаркан.

Сотинбой БОЗОРОВ, *шу маҳаллада яшайди:*

— 2007 йилни Президентимиз “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилиб, ногирон, ёрдамга муҳтож кишилар, кам таъминланган оилаларга кўмак берайлик, уларни ижтимоий ҳимоя қилайлик, деб халқимизга мурожаат қилганлари айна муддао

бўлди. Бу ҳам мустақил давлатимиз тикланиб, муҳтож кишиларнинг ўз ҳимоясига олиш имконияти яхшиланаётганидандир. Маҳалламизга яқин жойда қарийб минг кишини иш билан таъминлаган Республика кўзи ожизлар 1-ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатарди. Шу комбинат ёпилиб, ишсиз қолдик. Бунинг устига, авваллари кўзи ожизлиги учун, жумладан, чироқ, газ, иситиш, уй тўловларининг эллик фоизи, жамоат транспортларида имтиёзли юриш имкониятлари бор эди. Бу ёрдам ва қулайликларнинг бари бекор қилиниб, биз анчайин қийналиб қолдик. Шу боисданми, айрим кўзи ожизлар тиланчилик қилиб юганининг ҳам гувоҳи бўлиш мумкин. Бу ҳол уят. “Ижтимоий ҳимоя йили” муносабати билан яна янги иш жойлари очилиб, ёшларимиз иш билан таъминланса, зарур имтиёзлар тикланса, кўзи ожизлар ўзларини ҳам моддий, ҳам маънавий томондан ҳимояланган ҳис қилар эдилар.

Абдуллоҳ АСЛОНОВ, *кўзи ожизлар мактаби ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси:*

— Менинг “Ҳидоят” журнали ходимларига бир таклифим бор. Гоҳида имомимиз маърузаларида “Ҳидоят”дан қизиқ, керакли нарсаларни айтиб берадилар. Шунда мустақил равишда бу журнални ўқиш имкониятимиз йўқлигидан афсусланамиз. Эҳтимол, журнални игна хатда чиқариш қийиндир. Аммо ҳар бир сонини, ҳеч бўлмаса, сара мақолаларини овозли ёзувда чиқарилса, ажойиб иш бўларди.

Қобилжон ЖУМАЕВ, *“Муҳаммад Амин” жомеъ масжиди имом-хатиби:*

— Ривоят қилишларича, Расулulloҳнинг муаззинларидан бири Абдуллоҳ ибн умми Мактум оналарининг қоринларида ҳам кўзи ожиз ҳолда бўлиб, бу дунёга ҳам кўзи ожиз ҳолатда



келганлар, кўзи ожиз ҳолатда умр кўрганлар, кўзи ожиз ҳолатда вафот топганлар, қабрда ҳам кўзи ожиз ҳолатда ётибдилар, аммо жаннатда биринчилардан бўлиб Аллоҳ таолонинг жамолини кўришга мушарраф бўлар эканлар. Бу ривоят кўзи ожиз бўлишига қарамай, қалби очилган, ҳидоят топган ногирон кишиларнинг Аллоҳ таоло наздида азиз эканликларига далолатдир. Кўнгли ўксик, кўзи ожиз кишиларга давлатимизнинг ғамхўрлиги, яхши кишиларнинг ҳиммати боис кўпгина кўзи ожизлар яшайдиган шу маҳаллада масжид барпо бўлди. Шароитлари ҳам тобора яхшиланаяпти.

* * *

Бу дунёга имтиҳон, синов учун келганмиз. Санасак, бизга берилган неъматларнинг саноғига етолмаймиз. Бироқ қалбимизда уларга шукр борми? Аллоҳ таоло қалбимизга қарайди. Қаерга шошяпмиз, нима учун? Бир ишга бизни нафс бошляптими ёхуд имонимиз? Ҳеч нарса ҳикматсиз яратилмаган. Айниқса, Аллоҳнинг амрига шошаётган ҳеч бир мавжудот ҳеч қачон ҳимоясиз, ёлғиз қолмайди. Бировлар фақат нафсини ўйлаб, ҳузури жони пайида бўлган изғирин палларда ҳам масжидга шошилиб, Аллоҳнинг уйида ибодатни ўтаётган кўзи ожиз дўстларимизнинг ҳаёти ҳам бир ибрат. Уларга қўлимиздан келганча ёрдам берайлик. Бу ишимиз ҳам саодатимизга сабаб бўлиши мумкин.

Вафо ТОҒУЗАРЛИ

ЖАЪФАР ИБН АБУ ТОЛИБ

*«Жаъфарни жаннатда кўрдим. Унинг қонга бўялган икки қаноти бор эди...»
(Ҳадиси шарифдан)*

Жаъфар ибн Абу Толиб Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) шу қадар ўхшардики, ҳатто кўзи хирароқ одамлар кўпинча уларни адаштириб қўйишарди. Оталари Абу Толиб қурайшнинг насаби улғу ва обрўли кишиси бўлишига қарамай, камбағал ва бола-чақаси кўп эди. Қурғоқчилик йили Абу Толибнинг аҳволи баттар оғирлашди.

Ўша пайтда бу оиладан бўлғуси пайғамбар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва у кишининг амакиси Аббосдан кўра бадавлатроқ одам йўқ эди. У киши амакилари Аббос ҳузурига келиб: «Амаким Абу Толибнинг болалари кўп. Бу қурғоқчиликда одамлар қийинчиликда ва очарчиликда қолишди. Иккимиз Абу Толибга ёрдам бергани борайлик. Мен ўғилларидан биттасини, сиз биттасини олинг», дедилар. Ҳазрати Аббос бу таклифдан гоят хурсанд бўлди.

Икковлари Абу Толибнинг уйига келишди. Аҳдлашилган таклифни изҳор этишди. Шунда Абу Толиб: «Менга Уқайлни қолдириб (Уқайл ҳазрат Алининг акаси эди), хоҳлаганингизни олиб кетавering», деди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Алини, Аббос эса Жаъфарни тарбиясига олди.

Али Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) билан бирга яшай бошлади. Аллоҳ таоло у зотга тўғри ва ҳақ динни юборгач, биринчилардан бўлиб имон келтирди. Жаъфар эса

амакиси Аббос хонадонида улғайиб камолга етди. У ва хотини Асмо бинти Умайс Абу Бакр Сиддиқ ҳузурига, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Арқамнинг ҳовлисига кирмасларидан аввал Исломи қабул қилган эдилар. Бу ёш оила ҳам дастлабки мусулмонлар қатори қурайш кофирларининг ҳар тарафдан таъқибига, турли азоб-уқубатларига учради. Шунда Жаъфар ибн Абу Толиб хотини ва бир неча шериклари билан ҳабаш тупроғига ҳижрат қилишга Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) рухсат олди.

Биринчи муҳожирлар қарвони Жаъфар ибн Абу Толиб бошчилигида Ҳабашистонга жўнади. Улар одил подшоҳ Нажоший даргоҳида ҳузур топдилар. Лекин қурайш кофирлари мусулмонлардан бир қисми ҳабаш ерига кўчиб кетганини, у ернинг подшоҳи ҳимояси остида тинч-омон яшаётганини билгач, уларни ўлдиришга ёки тутиб олиб келишга аҳд қилди.

Шу ўринда сўзни Умму Саламадан (розийаллоҳу анҳо) эшитамиз:

«Ҳабашистонга етиб боргач, бизни яхши кутиб олишди. Бирор ёмон сўз эшитмай ва озор кўрмай Аллоҳ таолога ибодат қилиб яшай бошладик. Бу хабар Қурайшга етиб боргач, бизга қарши маслаҳат қилиб, ўзларидан нуфузли икки кишини — Амр ибн Ос билан Абдуллоҳ ибн Абу Робиани Нажоший-

га юборишди. Ҳабаш подшоҳига муддаоларини айтишдан аввал битриқларига совғасаломларни топширишни тайинлашди.

Амр ибн Ос билан Абдуллоҳ ибн Абу Робиа Ҳабашистонга келишгач, Нажошийнинг дин хизматчиларига совғалар беришди ва муддаоларини баён этишди: “Подшоҳнинг ерига ота-боболарининг динидан қайтган, ўз қавмининг гапига қулоқ солмайдиган аҳмоқ ёшларимиз кўчиб келишди. Агар биз подшоҳингизга шу ҳақида гапирсак, подшоҳ уларнинг дини тўғрисида сўрамасданоқ бизга топшириб юборишни маслаҳат берсангиз. Чунки қавмларининг катталари эътиқод қилаётган нарсаларини улардан кўра яхшироқ билишади”. Битриқлар бу гапга рози бўлишди.

Икковлари Нажоший ҳузурига бориб, совғаларни беришди ва такаллуф ила сўз бошлашди:

— Сизнинг мамлакатингизга бир гуруҳ ярамас ёшларимиз жойлашиб олишди. Улар биз ҳам, сиз ҳам билмайдиган динга сигинишяпти. Бизни олдингизга ўшаларнинг оталари, қариндош-уруғлари уларни қайтариб олиб боришимиз учун жўнатишди. Албатта, оталари уларнинг бузғунчиликларини ҳаммадан яхшироқ билишади.

Нажоший дин хизматчиларига қаради. Улар икковини тасдиқ этишди. Нажоший бундан қаттиқ газабланди ва:

— Аллоҳга қасам, уларни ҳузуримга чақириб, уларга нисбат берилган нарса ҳақида сўраб билмагунимча бирортасига рухсат бермайман. Агар ростдан ҳам шу иккови айтганидай бўлса, бу таклифга розилик билдираман. Агар ундай бўлмаса, уларни ҳимоямга оламан! — деди.

Нажоший бизларни чақириб келишга одам жўнатди. Унинг ҳузурига боришдан олдин ўзаро бундай келишиб олди: «Подшоҳ биздан динимиз ҳақида сўраса, ҳамма гапни очиқ айтамыз. Унга фақат Жаъфар ибн Абу Толиб гапирди. Бошқа ҳеч ким гапирмасин».

Подшоҳ ҳузурига киргач, унинг икки тарафида эгниларига ридо, бошларига бахмал кулоҳ кийган битриқлар китобларини очиб ўтирганини кўрдик. Амр ибн Ос билан Абдуллоҳ ибн Абу Робиа ҳам ўша ерда эди.

Нажоший бизга юзланди.

— Қавмингизнинг динини ташлаб, менинг ҳам, бошқа бирорта миллатнинг ҳам динига кирмай, ўзингиз учун қандай янги динни танлагансиз?

Жаъфар ибн Абу Толиб олдинга чиқди.

— Эй подшоҳ, биз санамларга сиғинадиган, ўлимтик ейдиган, фаҳш ишларни қилдиган, қариндошликни узадиган, қўшничиликни унутадиган жоҳил кишилар эдик. Кучлиларимиз заифларимизнинг ҳақини ер эди. То Аллоҳ таоло бизга ўзимиз унинг насабини ва ростгўйлигини, омонатдорлиги ва покизалигини жуда яхши биладиган пайғамбар юборгунича шу ҳолда қолдик. У пайғамбар бизни ёлғиз Аллоҳ таолога ибодат қилишга, ўзимиз ва оталаримиз сиғинаётган санамлар ва бутларни ташлашга чақирди. У зот бизга рост гапиришни, омонатни адо қилишни, қариндошлик ришталарини тиклашни, қўшнилари билан яхши муомалада бўлишни, ҳаром нарсалардан тийилиш ва ноҳақ қон тўкишдан сақланишни буюрди. Бузуқ ишлардан, ғийбатдан, етимнинг молини ейишдан ва покиза хотинларга тўхмат қилишдан бизни қайтарди. Аллоҳнинг расули бизга фақат ёлғиз Аллоҳ таолога ибодат қилишни, Унга ҳеч нарсани шерик қилмасликни буюрди. Унга ишондик ва имон келтирдик. Улар бизни динимиздан қайтариш учун зулмни ҳаддан ошириб, сиқувга олишгач, сизнинг шаҳрингизга, сизнинг қўл остингизда зулм кўрмаймиз, деган умид билан келдик.

— Пайғамбарингиз Аллоҳ ҳузуридан олиб келган нарсдан бирор нарса биласанми?

— Ҳа.

— Ўқи.

Жаъфар ибн Абу Толиб Марям сурасининг бошидан бир неча оят ўқиди.

Нажоший Қуръон оятларини тинглар экан, таъсирланиб, йиғлаб юборди, ҳатто соқоли кўзёшлари билан ювилди. Битриқлар ҳам йиғлаб, очиқ турган китобларини ҳўл қилиб юборишди.

— Шубҳасиз, Пайғамбарингиз келтирган нарса билан Исо (алайҳиссалом) олиб келган нарсанинг манбаи биттадир.

Нажоший ушбу сўзларини тугатгач, Амр ибн Ос ва унинг шеригига қарата:

— Аллоҳга қасамки, буларни сизларга топшириб қўймайман! — деди.

Подшоҳ ҳузуридан чиқишимиз билан Амр ибн Ос бизга эшиттириб шеригига:

— Эртага Нажошийнинг олдига келиб, буларга нисбатан газаб уйғотадиган бир ишларини айтиб бераман. Шунда подшоҳ буларнинг уруғини қуритиб юборади, — деди. Абдуллоҳ ибн Абу Робиа:

— Ундай қилма, динимизга қарши бўлса ҳам, улар бизнинг қариндошларимиз, — деди. Амр ибн Ос шеригидан жаҳли чиқиб, баттар тутақди:

— Эртага подшоҳга: «Булар Исони қул бўлган дейишади, дейман». Ана ундан кейин нима бўлишини кўрамиз.

Эртасига у подшоҳ ҳузурига келиб, кечаги иддаосини айтди. Биз жуда оғир бир аҳволда қолдик. Агар подшоҳ Исо ибн Марям тўғрисида сўраб қолса, нима деб жавоб берамиз, деб ташвишлана бошладик. Кейин бу ҳақда Пайғамбаримиз бизга айтган Аллоҳ таолонинг сўзидан бошқа ҳеч нарсани айтмасликка келишиб олдик. Бу сафар ҳам фақат Жаъфар ибн Абу Толиб сўзлайдиган бўлди.

Нажоший ҳаммамизни яна ҳузурига чақирди. Подшоҳ ва унинг битриқлари худди кечаги ҳолатда ўтиришарди. Амр ибн Ос билан унинг шериги ҳам шу ерда эди. Киришимиз билан Нажоший шошиб сўради:

— Исо ибн Марям ҳақида нима дейсизлар?

Яна Жаъфар ибн Абу Толиб жавоб берди:

— У ҳақда Пайғамбаримиз нима деган бўлса, шуни айтамыз.

— Пайғамбарингиз нима деган?

— У зот Аллоҳнинг бандаси ва расулидир. У зот Аллоҳнинг Марямга бахш этган руҳи ва калимасидир.

Нажоший бу сўзларни эшитгач:

— Аллоҳга қасамки, Исо ибн Марям худди Пайғамбарингиз айтганидай бўлган, — деди.

Атрофидаги битриқлар уни инкор қилмоқчидай гудурлашди. Нажоший:

— Жим бўлинглар! — деб амр қилди. Сўнгра бизга: — Боринглар, бемалол яшайверинглар. Ким сизларни ҳақоратласа, жарима тўлайди, ким сизларга қарши чиқса, жазоланади. Аллоҳга қасамки, сизларнинг бирортангизга бирор ёмонлик эвазига олтин тоғ ваъда қилинса ҳам, рози бўлмас эдим, — деди. Сўнгра Амр ибн Ос ва шериги келтирган совғаларни қайтариб берди. Иккови ҳам ғазабларини ичга ютганча чиқиб кетишди. Биз эса унинг ҳимоясида соғ-омон яшай бошладик”.

Жаъфар ибн Абу Толиб ва унинг хотини Нажошийнинг мамлакатада ўн йил тинч ва хотиржам яшади. Ҳижратнинг еттинчи йилида ҳабаш тупроғини тарк қилиб, Жаъфар ибн Абу Толиб бошчилигида бир неча мусулмон Мадинага қайтишди. Улар Мадинага етишган пайтда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳам Ҳайбар қалъасини фатҳ қилиб қайтаётган эдилар. У зот Жаъфарни кўриб қувондилар ва: «Қайси бирига кўпроқ суюнай: Ҳайбарни олганимизгами ёки Жаъфарнинг

келганигами?» дедилар. Жаъфар ибн Абу Толибнинг қайтганига барча мусулмонлар, айниқса, камбағал мусулмонлар кўпроқ севинишди. Боиси у киши заиф ва камбағалларга ниҳоятда меҳрибон бўлгани учун «Мискинлар отаси» деб ном олган эди.

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) бундай ҳикоя қилади:

«Биз, камбағаллар учун энг яхши одам Жаъфар ибн Абу Толиб эди. У бизни уйига олиб бориб, уйда бор нарсаси билан тўйдиарди. Агар овқати тугаб қолса, ёғ солинадиган мешини олиб чиқиб берар, ҳолбуки унда ҳеч нарса бўлмас эди, биз эса уни ёриб, ичидаги ёғ юқини ялар эдик».

Ҳижрий саккизинчи йили бошларида Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Рум аскарлари билан урушиш учун қўшин тайёрладилар. Қўшинга амр қилдилар: «Зайд ўлдирилса ёки яраланса, Жаъфар ибн Абу Толиб бошлиқ бўлсин, агар Жаъфар ўлдирилса ёки яраланса, Абдуллоҳ ибн Равоҳа бошлиқ бўлсин, агар Абдуллоҳ ибн Равоҳа ҳам ўлдирилса ёки яраланса, мусулмонлар ўзларидан бир кишини бошлиқ қилишсин».

Мусулмонлар Шомнинг шарқ тарафидаги Ўрдун тупроғида жойлашган Мўъта қишлоғига етганларида румликлар уларга қарши юз минг кишилиқ қўшин тайёрлашганини, Лахм, Жузан, Қузоз ва бошқа қабиалардан ҳам яна юз минг қўшин Румга ёрдамга келганини билишди.

Мусулмонларнинг қўшини эса бор-йўғи уч минг киши эди, холос.

Иккала қўшин тўқнашди ва уруш авжига чиқди. Зайд ибн Ҳориса душман билан олиша-олиша ҳалок бўлди. Шунда Жаъфар ибн Абу Толиб ўзининг малларанг отидан чаққонлик билан сакраб тушди-да, душман ўзидан кейин фойдаланмаслиги учун отининг пайларини кесди, сўнг байроқни кўтариб, рум аскарлари сафига ёриб кирар экан, бундай шеър ўқиди:

*Жаннат ажиб юксакдир насиб этган инсонга,
Шароби жон роҳати болдек ширин маконга.*

*Ирқи ўзга румликлар — шум ниятли ёмонга,
Дўзах қағри ланг очик, динни инкор этганга,
Мард бўлсанг, биз тайёр, қани, тушгин майдонга.*

Жаъфар жангда ҳалок бўлди. Шундан кейин байроқни Абдуллоҳ ибн Равоҳа олди. У ҳам аввалги икки шериги каби жанг қилди ва ҳалок бўлди.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) учала аскар бошлиғининг ўлими хабарини эшитгач, қайғуга толдилар. У зот Жаъфар ибн Абу Толиб уйига йўл олдилар. Жаъфарнинг хотини

ЎҚИГАН ЭЛ ЕТАР МУРОДГА



Асмо эрини кутиб олишга тайёргарлик кўриб, хамир қораётган, болаларини ювинтириб-ясантираётган эди.

Асмо бинти Умайснинг (розийаллоҳу анҳо) ўзи бундай дейди:

«Расулulloҳ бизникига келганларида муборак юзларини ҳам пардаси қоғлаб олганини кўриб, юрагимга кўрқинч тушди. Жаъфар ҳақида бирор ёмон хабар эшитиб қолишдан хавотирланиб, савол беришдан чўчидим. Саломлашгач:

— Жаъфарнинг болаларини олиб кел, — дедилар.

Мен болаларни чақирдим. Болалар қувониб Расулulloҳнинг олдиларига югуриб келишди. Расулulloҳ болаларни суйиб эркаладилар, улар у зотни бир-биридан қизганишар эди. У зот болаларга энгашиб, уларни ўпиб, ҳидлай бошладилар, муборак кўзларидан эса дув-дув ёш оқар эди. Мен:

— Ота-онам сизга фидо бўлсин, нега йиғлаяпсиз?! Жаъфарга бирор гап бўлди-ми?! — дедим.

У зот Жаъфарнинг шаҳид бўлганини айтдилар».

Оналарининг йиғисини эшитиб, болаларнинг юзидан севинч йўқолди ва ҳаммалари турган жойларида қотиб қолишди.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) кўзёшларини артдилар. Сўнг дуо қилдилар:

— Эй Аллоҳ, Жаъфарнинг болаларига бир ўринбосар бер. Эй Аллоҳ, Жаъфарнинг аҳлига бир ўринбосар бер... — Кейин яна бундай дедилар: — Жаъфарни жаннатда кўрдим. Унинг қонга бўялган иккита қаноти бўлиб, кўкраги ҳам қип-қизил қон эди...

Акрам ДЕҲҚОН
таржимаси

Ҳар бир одам боласига таклиф этилган энг қадрли неъматлар имон ва илмдир. Имон инсонни инсонлик ила шарафлантиради, илм унинг шаънини юксалтиради. Имон одамга ўзини ва Яратганни танитади, илм шу Яратганга ибодат қилишни ўргатади. Иккиси билан инсон икки дунё саодатига эришади. Аллоҳ таолонинг розилигини топади. Дунёга нега келганини англаб етади. Шу боис дину имонимиз ҳақидаги чоп этилган ҳар қандай китоб чинакам ва катта бойлик ҳисобланади.

2006 йили “Мовароуннахр” нашриёти қорақалпоқ тилида бирйўла Исломга оид тўрт китобни нашрдан чиқарди. Бу китоблар қорақалпоқ биродарларимиз она тилларида баҳра топадиган дастлабки диний қўлланмалар бўлиб, ханафий мазҳабимизнинг машҳур фикҳий асарлар — “Мабсут”, “Ҳидоя”, “Мухтасарул виқоя”, “Шарҳи виқоя” “Фатавойи Қозихон”, “Фатовойи Оламгирия”, “Раддул Мухтор”, “Нурул изоҳ” каби қимматли фатво китоблари асосида тасниф этилган. Ўтган аср бошида яшаган улуг ўзбек маърифатпарвари Мунаввар қори Абдурашид-

хоннинг “Мусулмончиликдан дастлабки сабоқлар” рисоласида имон тушунчаси ва пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), саҳобалар, шариат ҳукмлари, қирқ фарз каби энг муҳим масалалар ҳақида мухтасар тушунтирувлар ўрин олган.

“Намоз китоби” уч бўлимдан иборат. Таҳорат ва намоз бўлимларида намозни барпо этиш учун энг зарур тавсиялар берилган. Марҳум устозимиз Салоҳиддин Муҳиддиннинг “Исломда ўлим ва жаноза масалалари” китобчасида ушбу маросимга оид диний ҳукмлар, одоблари ва тартиблари ҳақида сўз боради.

Тўртинчиси Абдуғафур Искандар тузган “Дуолар, салоотлар ва тасбеҳлар” китобчасидир.

Китобларни ўзбекчадан қорақалпоқ тилига Юсуп Собуров таржима қилиб, нашрга тайёрлаган. Ношир Тўлқин Нурмуҳаммад “Офсет принт” босмаҳонасида чоп этилган.

Ушбу китоблар қорақалпоқ халқига Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг улкан ҳадяси бўлди, деб ўйлаймиз.

Алишер ФАЙЗ

— Пайгамбаримиз (алайҳиссалом): “Ибодат илмдаир” деб марҳамат қилганлар. Бу ҳадис ибодатимиз илм билан тўкис бўлишига далолат қилади. Сизда илмга интилиш, Қуръонга муҳаббат қачон бошланган? Устозларингиз кимлар?

— Отамизнинг оналари — бувимизнинг (Аллоҳ раҳмат қилсин) қўлларида кўпинча Қуръони карим бўлишини яхши эслайман. Оятларни ўқиб, маъноларини тушунтириб берардилар. Қариб қолган бувижонимга асодай хизмат қилганимиздан қувонардик. Энди англасам, у киши бизга қилган хизмат,



Собитхон Фуломхон ҳожи ўғли 1960 йили туғилган. Пойтахтимиздаги “Ҳожа Аҳрор Валий” жомеъ масжиди имом-хатиби ноиб. Қуръони каримдан ўн саккиз пора ёд олган. Давлатимиз томонидан имтиёзли юборилган юртдошларимиз қаторида ҳаж ибодатини адо этишга мушарраф бўлди.

МУСУЛМОНЛИКНИНГ

тушунтирган оят ва ҳадислари, айтган ривоят, ҳикматлари бутун умримизга илк ишончли тиргак бўлган экан. Қуръонга муҳаббат қалбимга ўшанда уйғонган бўлса ажабмас.

Кейинчалик Қуръони мажидни илм сифатида Анвар ҳожи Турсуновдан ўргандим. Бундан ташқари “Кўкалдош” мадрасаси мударриси Зоҳидхон қори Азимбоев Қуръони каримни тартиб қилиб ўқишдан, тажвид қоидаларидан сабоқ бердилар. Айниқса, ўрганган дарсларимизни Абдулазиз қори ота (раҳматуллоҳи алайҳ) тафтиш қилиб, текшириб берганларидан хурсанд бўламан. У зотнинг назаридан ўтганим ҳаётимдаги энг мўътабар воқеалардан бўлиб қолди.

— Ҳақнинг амрига бўйин эгган банда халқнинг хизматида бўлади. Нияти холис бўлса, саодат топади. Улуғлар илтифотига сазовор бўлади.

— Тўғри, мен муборак ҳаж сафарига боришимга сабаб

бўлган бир воқеани айтсам бўлади. Ўтган йили Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйида қатнашиш насиб қилди. Рост, Қашқадарё тупроғидан бунчалик кўп алломалар етишиб чиққанини билмасдим. Биргина Насафийларнинг ўзи бир минг бир юздан ортиқ экани, ҳаммаси динимизни чуқур билишгани мени ҳайратга солди. “Кўкгумбаз” масжиди очилиш маросимига ташриф буюрган юртбошимиз ҳузурда Қуръон тиловат қилдим. Президент жаноблари тиловатни тугатганимда елкамга қоқиб: “Қуръон тиловатидан қалбларимиз нурга тўлди, таскин топди”, дедилар. Кўнглим тоғдек кўтарилди. Юртбошимизнинг “Кўкгумбаз” намозхонасига кириб, аввало меҳробдаги ёзув — Тавба сураси оятига эътибор қаратганлари, “Бу ёзув ҳеч бир нуқтасига заҳа етмай туриши керак”, деганлари, масжид ҳовлисидаги қулочга сигмас тутнинг ёшини суришти-

риб, “Бу тут элимизнинг тарихи рамзидир”, дея уқтирганлари йиғилганларга бир сабоқ бўлди.

— Энди ҳаж таассуротларингиздан сўзлаб берсангиз...

— Бу йилги ҳажда ҳожиларимизга кўрсатилган икром-эъзоз мени фақат қувонтирди. Қўнган жойларимиз саранжом-саришта, улар Маккада Масжидул Ҳаромга, Мадинада масжидун Набавияга яқин бўлди. Шунга қарамай, ҳамиша автобуслар кўйилди, мутасаддилар иссиқ-совуғимиздан хабардор бўлиб туришди. Бир мусулмонга иккинчи бир мусулмон яхшилик истайдиган бўлса, “Ҳажга боринг” деса, шу кифоя қилар экан. Олдин ҳам кўп ҳожиларимизнинг суҳбатларида бўлганман, таъсирли ҳикояларини тинглаганман. Аммо ҳажда ўзингиз бўлишингиз, руҳият ўзгаришларини шахсан ҳис қилишингиз тамоман бошқача экан.

Одатда нотаниш бир жойга

борса, одам бегонасирайди. Мадинага тушганимизда эса бир илиқлик, ҳар бир инсонга нисбатан биродарлик муҳитини ҳис қилдим. Кўнглимга бир хотиржамлик иниб, ҳатто бирор марта ҳам адашиб қолиш хавотири дилимга ораламади.

Байтуллоҳда бўлганимиздаги нури ҳолатлар ҳеч бир жойда бўлмаса керак. Ибодатдан бошқа ҳамма нарса унутилиб, ибодатдан бошқа ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг аҳамияти йўқолар экан. Куръон карим хатми якунини видолашув тавофига мўлжаллаган эдим. Ярим тун бўлишига қарамай, тавоф май-

эди. Дарҳақиқат, чиққанимизга ҳеч пушаймон емадик. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ айтганларидек, энгашилса, ғор оёқлар кўринар даражада кичкина эканини кўрдим. Аллоҳ таоло паноҳига олса, ҳеч қандай хатар бўлмаслигига ғор бир далил эди.

Маккадан беш чақиримча келадиган Жабали Нур тоғидаги машҳур Ҳиро ғорига чиқдик. У Саврга нисбатан пастроқ бўлса ҳам, айлана, қинғир-қийшиқ сўқмоқлар билан анча юриларкан. Манзилга етилгачгина, Пайғамбаримизнинг Ҳирога чиқишлари осон бўлма-

егулик кўтариб чиқиб-тушганлар, жуфти ҳалолларининг кўнгилларини кўтариб, ажиб бир фидойилик кўрсатганлар.

— **Ҳаждан қайтган мусулмоннинг элига, яқинларига айтадиган муҳим гаплари, теран мулоҳазалари бўлади.**

— Видо тавофини адо этаганимда малайзиялик бир ҳожи эҳромининг попуги сумкамнинг ёпқичи орасига кириб қолибди. Билмасдан тортганида елкадан сумкам тушиб кетди. Шунда у юзимга юзини қўйиб, “Роббана лаа тузиф қулубана баъдаиз...” дуосини ўқиб, ўртамазда филли-ғашлик

АВВАЛИ МУҲАББАТДИР

дони ҳожиларга тўла эди, ҳатто айвонда ўтирган жойимизни бўшатиб тепага чиқишга мажбур бўлдик. Видолашувчилар жуда кўп эди. Шунда кўзим Байтуллоҳнинг тепасида учаётган уч-тўрт қушга тушди. Бу қушлар тавоф қилувчилар тепасида улар билан бирга айланар, гўё бирга-бирга тавоф қилар эди. Субҳаналлоҳ. Бу ҳолат субҳ намозига азон айтилгунгача давом этди. Бу манзарадан жуда таъсирландим. Ҳар бир инсон шу қушларчалик Аллоҳ таолога ихлос-муҳаббатли бўлсайди, деб ўйладим.

Ибодатдан бўш вақтимда тарихий жойларни зиёрат қилдим. Савр тоғига чиқдик. Чиқиб юрмаган киши қийналиб қолар экан. Фақат, Пайғамбаримизни (алайҳиссалом) яширган ғорни кўриш умиди чиқиш машаққатини енгиб ўтишга куч берар

ганини ҳис қиласиз. Зилзилалар натижасида тошлар жипслашиб, ғор кичкинароқ бўлиб қолган. Иккита одам кирса бўлади-ю, аммо намознинг қиёмида қийналиб қолинади. Айтишларича, у замонларда ғор оғзидан Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) Маккадаги уйлари кўриниб турар экан.

Биздек бақувват эркаклар қийналиб чиққан йўлдан ҳар кунни Ҳадича онамиз нимадир

қолмасин, деб ўтиниб-ўтиниб сўради. Мен ҳам ўз навбатида кечирим сўраб, узрини қабул қилганимни билгачгина, ёнимдан узоқлашди. Ҳажда ана шундай улуғ одоб, гўзал туйғу одамнинг қалбини маскан этар экан. Ҳаж қилиб қайтган ҳар бир ҳожи ҳар қандай ҳолатда ҳам ана шу одобни — бировга озор бермасликни, жаҳолатга ҳам илм, маърифат билан ёндошиш умрлик шиори бўлиши керак эканини билдим. Жами инсонга — ота-онага, қавм-қариндошга, ватанга муҳаббатли бўлиш мусулмончиликнинг аввали экан. Буни менга Кабатуллоҳдаги оддий, аммо улуғ муносабатлар ўргатди. Шундай гўзал хулқ, ажиб тарбияни ёшларда, шогирдларимизда шакллантирсак дейман.

Муҳаммад Вафо
ёзиб олди.



Ҳаёт Аллоҳ таолонинг бандаларига берган энг улугъ неъматли ва қимматли омонатидир. Аллоҳнинг бу фазлу карами учун одам қанчалик шукроналар қилиши лозим бўлса, омонат ўлароқ унинг муҳофазаси учун Рабби олдида шунчалик жавобгар ҳамдир.

Бугун мана шу омонат ва унга доир баъзи ҳукмлар ҳақида гаплашсак, унут бўлган баъзи қирраларни яна қайта эсга олсак. Зеро, эслаш ва эслатишда катта фойда бор. Ушбу рисоламизда тиббиётга оид масалалар, хусусан унинг ажралмас қисми бўлган тиббий текширув ва ташхис қўйиш ҳамда деярли ҳар кун дуч келадиганимиз – жарроҳлик амалиётига доир баъзи муҳим шаръий ҳукмларни сиз азизларга савол-жавоб тарзида баён этишга ҳаракат қилдик. Алоҳида мулоҳаза талаб этиладиган масалаларда шаръий ҳукм манбалари кўрсатиб ўтилди. Бошиқа ўринларда эса шаръий ҳукмни асослаш учун ақлий далиллар билан чегараланди.

ТИБ ҲУКМЛАРИ

Савол: Инсоннинг соғлигига жавобгарлиги қай даражада белгиланган?

Жавоб: Инсоннинг соғлигига эътибор бериши лозимлиги, жавобгарлиги фарзи айн, вожиб даражасидадир. Аллоҳ таоло айтади: “...**ва ўзингизни ҳалокатга ташламанг**” (Бақара, 195). Бу ояти карима маъносини ушбу ўринда, моддий ва маънавий ҳалокатдан сақланингиз, бундай ҳалокатга учрамаслик чораларини кўрингиз, деб тушунишимиз мумкин.

Соғлиқ муҳофазаси моддий-маънавий ҳалокатдан сақланишнинг асосий омилларидан бўлгани учун мўмин-мусулмон одам соғлиғини асраш учун керак бўладиган барча чораларни кўриши шарт. Бундай чораларнинг асосийлари сифатида жисмоний тарбия ва вақти-вақти билан ўтказиладиган шифокор кўригини айтса бўлади.

Савол: Шифокор кўригидан қачон ўтиш керак?

Жавоб: Соғлиққа эътибор



вожиб экани айтилди. Динимизда: “Вожибни бажариш учун керак бўлган нарса ҳам вожибдир”, деган қоида мавжуд. Демак соғлиқ муҳофазаси учун зарур бўлган шифокор кўригидан ўтиш ҳам вожиб ҳукмидадир. Шифокор кўригидан ўтиш муддатлари тиббиётда белгиланган меъёрлар билан тартибга солинади. Бу масалада шифокор сўзига қараб ҳаракат қилинади. Албатта, шифокор ҳам ўз ишига масъулият билан ёндашиб, омонат берилган би-

лимни суи-истеъмол қилмаслиги лозим. Аллоҳ таоло айтади: “**Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларни ўз эгаларига топширишга... буюради**” (Нисо, 58).

Савол: Тиббий текширувдан кўзланган асл мақсад нима?

Жавоб: Мақсад киши соғлиғи издан чиқишининг олдини олиш, агар издан чиққан бўлса, сабабларини аниқлаш ва уни ўз ўрнига келтириш чораларини кўришдир. Чоралар хилма-хил

бўлгани ҳолда улар ичидан бемор соғлиғи учун энг хавфсизини, мавжуд касаллик учун энг муносиб бўлганини танлашдир.

Савол: Тиббий текширувдан ўтмоқчи бўлган шахс нималарга эътибор бериши лозим?

Жавоб: Аввало, мусулмон одам ўз соғлиғи ҳақида гап кетаётганида бепарво бўлмаслиги, соғлиғига доир ҳар қандай маълумотга алоҳида эътибор қаратиши, уни чуқур мулоҳаза этиши керак. Аллоҳ таоло айтади: **“Эй мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, ...қилган ишларингга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун** (у фосиқ кимса олиб келган хабарни) **аниқлаб-текшириб кўринглар”** (Ҳужурот, 6).

Ва яна мўмин киши Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлмаслиги керак. Расуллуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ қандай касаллик туширган бўлса, унинг шифосини ҳам туширган”, деб марҳамат қилганлар (Имом Бухорий).

Қисқача айтадиган бўлсак, тиббий текширувдан ўтмоқчи бўлган шахс қўйидагиларга эътибор бериши керак:

1. Касалликнинг ўз вақтида олдини олишга.

2. Ўзида кечаётган ўзгаришларга эътиборли бўлишга.

3. Ўзидаги ўзгаришларни аниқ ва лўнда баён қилишга. Баъзи ҳолларда ўзи кечирган касалликлар тарихи ёзилган дафтарчани бирга олиши асло фойдадан холи эмас.

4. Зарур бўлган тиббий

таҳлилларни ўз вақтида ўтказишга.

5. Тиббий таҳлил ўтказаетган шифокорнинг билим ва тажрибаси етарли эканини суриштириш йўли билан аниқлашга.

6. Тиббий таҳлилларнинг ишончли эканига амин бўлишга. Чунки ташхисни тўғри қўйиш айнан шунга боғлиқ.

7. Тиббий кўриқдан ўтказаетган шифокорнинг ўз касбини нечоғли пухта эгаллаганини аниқлашга. Чунки ўтказиладиган бошқа тадбирлар унинг кўрсатмалари ва тавсияларига боғлиқ. Унинг адашиши беморга нотўғри ташхис қўйишга ва бундан келиб чиққан ҳолда нотўғри даволашга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, бемор ҳаётининг хавф остида қолишига сабаб бўлади.

Савол: Тиббий текширув давомида аврат ҳисобланган жойларни очишга тўғри келса, нима қилиш керак?

Жавоб: Аслида, аврат ҳисобланган жойларни нафақат бегоналар олдида, балки ўзи ёлғиз қолганида ҳам заруратсиз очиш мумкин эмас. Лекин зарурат юзасидан очса бўлади. Тиббий текширув ҳам мана шундай заруратлардан ҳисобланади. Чунки касаллик аврат жойларда бўлган ҳолларда ёки аврат жойларга боғлиқ бўлган ҳолларда аврат жойларни очмасдан туриб касалликни аниқлаб, даволаб бўлмайди. Буларнинг бари динимизда қайд этилган “Зарурат ҳолати манъ қилинган ишларга рухсат беради” деган қоидага биноан амалга оширилади (Ал-ашбах ван-назоир. Суютий, 74-бет).

Савол: Аёл беморни эркак шифокор ёки, аксинча, эркак беморни аёл шифокор даволашига тўғри келса, динимизга мувофиқ қандай йўл тутилади?

Жавоб: Беморлик ҳолати зарурат ҳолати ҳисобланади, шунинг учун унинг ҳукмлари бошқа ҳолатлар ҳукмларидан кескин фарқ қилади. Оддий ҳолларда рухсат берилмаган нарсаларга зарурат туғилганда рухсат этилади (“Ал-ашбах ван-назоир”. Ибн Ну-жайм, 85-бет). Шундан келиб чиқиб, бемор аёлга қараш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлган аёл шифокор топилмаса, у ҳолда унга эркак шифокор қарашига рухсат берилади. Аксинча бўлса ҳам, ҳукми шундай. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Умму Сулайм ва бошқа мўмина аёлларнинг ҳам Расуллуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга жангда қатнашишгани ва жангчиларга сув ташишгани, ярадорларни муолажа қилишгани ҳақида сўз боради. Албатта, бу жангчилар аёлларга номаҳрам бўлишган. Ушбу ҳадиси шарифдан ҳам зарурат чоғида аёл шифокорнинг бегона эркакка қараш мумкинлиги келиб чиқади. Зеро, инсон ҳаётини сақлаб қолишда ҳар қандай тақиқлар олиб ташланади. Бироқ шифокор ва бемор мулоқоти касаллик доирасида, касаллик чегарасида бўлиши керак, бундан ортиқ муносабатга йўл йўқ. Шунингдек, агар муолажага ҳалақит бермайдиган бўлса, муолажа жойида бемор маҳрамларининг бўлишлари маъқулдир.

(Давоми келгуси сонда)

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ



Худойим, юрагимга тикла туғимни!

Имон

Барибир тўхтамасман, кўтар кўзимни,
Мўминлик даъвосида неча кун бедор.
Маъносини очгин дардли сўзимни,
У жуда ҳам салим, мен эса бемор...
Худойим! Юрагимга тикла туғимни!

Тавба қилиб, гуноҳ қилдим неча бор,
Бу банданг неча марта ўлмасдан ўлди.
Қайта ҳаёт берар бетимсол Фаффор,
Фақат Сенинг васлинг экан жон йўли.
Худойим! Юрагимга тикла туғимни!

Чувалчангдай бўлмай тонглардан ошдим,
Субҳ исиди Сенинг ёдинг бор эди.
Дунё севгисидан айланди бошим,
Менга ўшанда ҳам меҳринг ёр эди!
Худойим! Юрагимга тикла туғимни!

Нима қилдим энди? Имдод эт, Ҳабиб!
Нафсим ҳар лаҳзада ясайди тузоқ,
Менга ундан ортиқ йўқ жоҳил рақиб...
Иблисни этгин дерман жуда ҳам узок,
Худойим! Юрагимга тикла туғимни!

Абдулазиз қори ота хотиралари

Ямоқ кийимимни яхши кўраман,
Ўткан кунларимни айлар қадрли.
Энг оғир юк — Куръонни кўтараман,
Икки дунё саодатманд, сабрли.

Синовлар солди бошга даҳрий тузум,
Вайрона Андижону Хўжаобод.
Бухоро ер устимас, ер остида
Тириклай қори кўмди даштлар, ҳайҳот.

Ҳижратим бўлди менинг уйғур юрти,
Ёшлигим ҳисобчиси кўҳна Қашқар.
Одамни енгиб бўлмас — имон бутун,
Юрагим нурга тўлди жисмим қақшаб.



Ҳасрату надоматлар қилманг, дўстлар,
Мўминнинг кўнгил уйи обод бўлсин!
Ўзгани маломатлар қилманг, дўстлар,
Гўзал хулқ ҳар лаҳзада ҳаёт бўлсин!

Дуо

Жаҳаннамдан тўсгучи қил!
Жаннатларда ўсгучи қил!
Жоҳилларга ҳор айлама!
Жоҳилларга ёр айлама!
Ҳусни хулқдан давлат бергин!
Тақво отлиқ савлат бергин!
Нолакор эт, тавбакор эт!
Энг аввало, хокисор эт!
Жонга эссин тоза ҳаво,
Қалбга, қалбга етказ даво!
Нафсга бандалиқдан сақла!
Лаънатлама! Ёқла! Оқла!
На саодат ўлдирмоқ дев,
Севдир Ўзинг! Ҳам Ўзинг сев!
Ўзинг Тоҳир, Ўзинг Собур!
Ўзинг Раҳмон, Ўзинг Фафур!
Ўзинг Ботин! Ўзинг Зоҳир!
Ўзинг Аввал! Ўзинг Охир!
Жаҳаннамдан тўсгучи қил!
Жаннатларда ўсгучи қил!



Теран ғам

Теран бир Ғамга ботдим,
Бу ғамсиз бир дамим йўқдир.
Ўзим-ку, оҳ... карахт ҳолда
Ёру дўстларни уйғотдим,
Хаёлим тотлидан-тотли...

Учиб чиқгим келар тоғлар
Ҳамонки ўлтириб чоҳда.
Тушибман на гўзал роҳга,
Хуру ғилмон қани, бошланг!
Менинг ишқим Аллоҳда!

* * *

Нафс йиғлатди, нафсим йиғлатди,
 Мана менинг дардим илллати...
 Нега жимсан исмим — миллатим,
 Мана менинг қалбим илллати!

Уйғонурман диним ҳурмати.
 Қалбга берди имон, журъатни.
 Улоқтирсам бўлар гурбатни!
 Соғай энди, жоним илллати!

Нафс йиғлатди, нафсим йиғлатди...



Ота

Ота! Дардингизга даво бўлмадим,
 Гарчи исмим Вафо, вафо бўлмадим.
 Мендан нима хизмат қирқ йил ўстириб,
 Расо бўл дедингиз, расо бўлмадим.
 Нафс деб югураман, минг бор синаман,
 Фидо ўзингиз-ку! Фидо бўлмадим.
 Билдим, ҳикмат экан ҳар бир сўзингиз,
 Ҳар бир лаҳзангизга нидо бўлмадим.
 Карвон кўчиб борар, шам ўчиб борар,
 Маъно кўзингизда, маъно бўлмадим.
 Қарзим бўғзимгача. Ишқим ўзгача,
 Не бахт, меҳрингиздан жудо бўлмадим.

* * *

Кундуз ҳам, тунда ҳам мен билан ёдинг,
 Бекор ўйлаганман — етмайди додим,
 Шаффоф дурлар сочиб Каъбага етсам,
 Чиндан ҳосил бўлар асл муродим!

* * *

Бир сўз бер, Аллоҳим! Айласин иншо
 То сўнгги дамгача очиб кўзимни!
 То сўнгги дамгача топайин ризо,
 То сўнгги дамгача севай ўзингни!

* * *

Кўнглим-ай чўмилди покиза ёшга,
 Бир пайтлар айланган эди у тошга.
 Наҳотки, наҳотки қайта туғилдим,
 Душманам қолмади ўзимдан бошқа!

Аширмат ТОЛИБ

Дардим кўпдир

Ёшим етди ўттиз бирга, тоатим йўқ,
 Саҳар туриб, сано айтмоқ одатим йўқ,
 Дардим кўпдир, фақат сабру тоқатим йўқ,
 Мен йиғламай ким йиғласин даргоҳингда.

Балиқ ичра ётолмасман Юнус каби,
 Кудуқ ичра қололмасман Юсуф каби,
 Сабр қилиб юролмасман Аййуб каби,
 Мен йиғламай ким йиғласин даргоҳингда.

Шайтон бўлди менга доим “дўст”, ҳамхона,
 Пир қўлидин май ичмадим ошиқона.
 Умр ўтар, тезда тўлар бу паймона,
 Мен йиғламай ким йиғласин даргоҳингда.

Кул Аширмат, қайга урай ғариб бошим,
 Надоматда куйиб-ёнар ичу тошим,
 Кўзларимдан оқар бўлди ўтлиғ ёшим,
 Мен йиғламай ким йиғласин даргоҳингда.



Яссавий йўлида

Мискин Аҳмад юрган йўлдан юрай мудом,
 Босган изин кўзларимга сурай мудом,
 Ҳиммат бергин, шавқинг-ла гуркирай мудом,
 Шавқ шаробин ичган гуллар сўлғони йўқ.

Хожа Аҳмад ҳикматлари — маъно кони,
 Айтган билан тушунгучи одам қани?
 Ўқиганнинг тоза бўлар дин-имони,
 Яссавийнинг айтган сўзин ёлғони йўқ.

Илдиз қурир бўлса, дарахт сўлар аён,
 Дунё фоний, ҳар бир махлуқ ўлар аён,
 Дунё севган ишратга кул бўлар аён,
 Ибрат олиб, нафсини кул қилғони йўқ.

Кулоқ осгин, ҳар айтгани дуру маржон,
 Ихлосингни яшир, кўрсин фақат Раҳмон,
 Кул Аширмат, зикрин айтиб йиғла пинҳон,
 Зикрин айтган ҳаргиз қуруқ қолғони йўқ.

Туркистон

ЁРУҒЛИК САРИ



*Ўзликка эришмак,
ўзликни билмак илм биландир.*

Аббосийлар сулоласи даврида Ислом маданияти, илм-фани ўша замон ғарб оламининг ҳаваси ва ҳасадини келтирадиган даражада буюк чўққиларга чиқди. Ушбу сулоланинг кейинги авлодлари ҳукм сурган давр эса, дунёвий илм-фанга эътиборнинг сўна бошлаш даври бўлди ва ушбу сўниш даври ўн асрдан ортиқ вақт давом этди. Халифа Мансур (754–775), Хорун ар-Рашид (786–809) ва унинг ўғли Маъмун (813–833) даврида айниқса илм-фан ривожига эътибор юксак даражада бўлган. Бу ҳукмдорлар фалсафа, математика, астрономия ва бошқа фанларнинг ривожига хайрхоҳлик билдирибгина қолмай, ўта сазийлик билан хомийлик ҳам қилишган. Хорун ар-Рашид даврида Бағдодда кўплаб кутубхоналар ташкил этилди. Кутубхоналарга турли минтақа ва юртлардан китоблар келтирилди, уларни кўплаб таржимонлар, олимлар бошқа тиллардан араб тилига ағдардилар. У даврда Мовароуннаҳр ва Хуросон фарзандларидан Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Маъшар Балхий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Яҳё ибн Мансур, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий (Ҳабаш Ҳосиб), Турк Хуталий, Марваррудий, Баттоний, Маъсудий, Холид ибн Абдул Малик, Аббос ибн Саид Жав-

ҳарий, Абу Наср Мансур ибн Ироқ, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий ва бошқа кўплаб машҳур олимлар етишиб чиқди.

“Яратувчи йўқ, табиат ўзини ўзи яратган, ўзини ўзи туққан, ўзи илгаридан бор, уни ҳеч қандай илоҳ яратмаган” деган таълимот Коперник кашфиётидан кейин асосан беш аср давомида ҳукмрон бўлди, лекин бу таълимот ҳозирги давр учун ўзининг ақтуаллигини йўқотди, ҳисоб. Умуман бу таълимот инсониятнинг маънавий, маданий ривожига ўта инқирозли таъсирини ўтказган бўлса ҳам, дунёвий фанлар тараққиёти учун бир нави имкон очиб берди. Файласуф Фридрих Энгелс бу ҳолни ўзича: “Табиатни текширишни диндан озод қилди”, деб таърифлади. Бу ерда Энгелснинг хатоси — ҳақиқий дин билан баъзи руҳонийларнинг нотўғри қарашларини чалкаштириб юборган. Умуман, дин билан руҳоний олим тушунчаларини асрлар давомида бир деб тушуниш ва айниқса бу тушунчани Ислом динига нисбатан ишлатиш инсониятга жуда қимматга тушди. Пайғамбаримиз Муҳаммаддан (алайҳиссалом): “Ё Расулulloҳ! Жаннатга биринчи бўлиб кимлар киради?” деб сўрашганида: “На-

моз пайтида имомнинг орқасида биринчи бўлиб турувчилар”, деб жавоб берган эканлар. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) жаннатга биринчи бўлиб кирувчини имом демадилар. Шу ҳадисда катта маъно бор, албатта. Имомлар ичида ҳам ҳар хиллари бўлиши эҳтимолини ҳадис айтиб турибди ва, аини чоқда, илми саъз “уламолар”нинг қарашларини Ислом дини нуқтаи назари сифатида кўриш катта хато эканини кўрсатиб турибди. Аббосийлар даврида Ислом динини, Куръонни, ҳадиси шарифни олимлар зийраклик билан хушёр тушунишлари ўз даврида ғарб халқларини лол қолдирадиган даражада илм-фан тарақиётига олиб келган бўлса, кейинги замонларда баъзи илми саъз “уламолар” Исломни ўз дунёқарашлари даражасида тушуниб, бирёқламаликка йўл кўйишди. Ушбу бирёқламаликнинг аббосийлар даври сўнгидаги ва улар давридан кейинги Ислом олами ҳукмрон синфларига маъқул келиши Ислом динини, Куръонни ва ҳадиси шарифларни баъзи ўринларда нотўғри талқин қилишларга олиб келди. Бу талқинчилардан баъзиларининг давлат доираларида обрў-этиборлари ўта буюклиги натижасида уларнинг талқинига бошқача ёндошиш катта гуноҳ бўладигандек муносабатлар юзага чиқди. Натижада дунёвий фан ривожини учун ўтиб бўлмас тўсиқлар пайдо бўлди. Бу тўсиқлар замонлар ўтган сари мусулмон юртларни ғарб давлатларидан фан-техника ривожига орқада қолишга олиб келди. Ҳозирги даврда бу фарқ тасаввур этиб бўлмас даражада улканлашиб кетди. Ислом дини ақидалари тўғри анланган ва ҳаётга тўғри татбиқ этилган пайтларда илм-фан мисли кўрилмаган даражада ривожланган, ҳолбуки, ўша паллаларда ғарб давлатлари ва ғарб руҳонийлари залолат ботқоғида ботиб ётишар эди. Аслида, Куръони карим ҳамда ҳадиси шарифлар мусулмон оламининг моддий ва маънавий тараққиётига очиб берган имкониятлар айниқса аббосийлар даврида ниҳоятда мўл ва хилма-хил мевалар берди. Афсус, кейинроқ баъзи масалаларни хато ёки тор тушуниш натижасида илм-фан тобора орқага кетди.

Диний илмлар билан дунёвий илм-фанни кушнинг қўш қанотига ўхшатишади. Агар кушнинг қаноти битта бўлса, балки у учар, лекин бир доира ясаб учади, холос. Фақат икки қанотли ва иккала қаноти ҳам баравар ҳаракат қилган кушгина илдам илгарига қараб учади. Бирор қаноти кучсизлик қилиб қолса, кушнинг мўлжалга аниқ ва равон етиб олиши қийинлашиб қолади. Мен Ислом динимизни ва дунёвий илмларни инсониятни саодатга олиб борадиган қўш қанот деб биламан. Агар Исломнинг илк паллаларидек

кейинги асрларда ҳам бу икки қанот бир хил қадрли, эъзозли бўлганида эди, кейинги ўн аср давомида кузатилган орқага кетишлар рўй бермаган бўларди. Агар баъзи ўтмишдошларимиз Ислом дини таълимотларини ҳаётга тўғри татбиқ этишганида ҳамда яхши бошланган ишлар давом эттирилганида эди, инсоният тараққиётдаги илғорлик бизларнинг қўлимизда бўларди. Балки ҳозир автомобилни, учоқни ихтиро қилганлар, коинотга ракетасини биринчи бўлиб учирганлар, ойни биринчи бўлиб забт этганлар, компютерни ихтиро қилиб, унинг программаларини оламга тарқатиб юрганлар ва ҳоказо ютуқларга эришганлар бизлар бўлармидик?!

Ҳали ҳам кеч эмас. Олдинда нанотехнология даври турибди. Бу давр инсоният тарихида илм-фаннинг мисли кўрилмаган тараққиёт даври бўлади, иншааллоҳ. Балки бу даврда бизнинг фарзандларимиз етакчиликни қўлларига олишар. Интилганга толе ёр. Нанотехнология фани айрим инкорчиларга жаннатнинг мавжуд бўлиши илм нуқтаи назаридан ҳам мумкин эканини бемалол исботлаб бера олади. Космогония фани ўртага ташлаган буюк портлаш назариясидан эса, тақдир масаласининг ҳақ экани ҳақидаги хулосага келишимиз мумкин.

Инсоният пайдо бўлганидан бери “Мен ўзи кимман?” деган саволга жавоб ахтаради. Бу ҳолат полшалик киночилар ишлаган машҳур “Знахарь” фильми қаҳрамони Пан Ташибанинг ҳолатига ўхшайди. Лекин инсон ўзининг ҳолатини тан олгиси келмайди, “Менинг ақлим ҳамма нарсага етади” деган фикрини ҳеч ҳам улоқтириб ташлай олмаяпти. Ташибанинг ҳам ақли кўп нарсага етади, у йирик профессор, замонасининг тенги йўқ дунёвий олими, лекин ўзининг ким эканини била олмайди.

Илмни дунёвий ёки диний илм деб иккига ажратмасдан, уларни бутун илмнинг қисмлари деб қаралиши керак, деб ўйлайман. Куръонда ҳам, ҳадисларда ҳам илм иккига ажратилмаган. Бу бўлишни фақат шартли равишда бўлишдек қабул қиламан. Машҳур шарқшунос олим М.Б.Пиотровский советлар даврининг йигирма беш нафар машҳур шарқшуноси тузган “ИСЛАМ Краткий справочник”нинг¹ 24-саҳифасида: “Старая проблема соотношения ислама и науки привлекает очень большое внимание. Теоретически обосновывается отсутствие противоре-

¹ 2-е издание, дополненное. Изд-во “Наука”, Главная редакция Восточной литературы, Москва, 1986.

чий между исламом и наукой...” (Ислом дини билан фаннинг ўзаро муносабати масаласи эскидан катта диққат-эътиборни торттиб келади. Ислом дини билан фан бир-бирига зид эмаслиги назарий асослаб берилган...) деган хулосани беради. Бошдан охиригача худосизлик (атеизм) руҳи билан суғорилган ушбу китобда бундай хулосага келишга мажбур бўлинибдими, бунга, албатта, катта асослар бўлган. Аллоҳ ўзи яратган олам сирларини очишни инсониятнинг ўз ризқини ҳалол меҳнат қилиб топишига боғлаган. Аммо илоҳий китобларни туширишдан асосий мақсад бу сирларни тафсилоти билан очиш эмаслигини бизлар назардан қочирмаслигимиз керак. Аллоҳ Қуръони каримнинг баъзи оятларида ўзи лозим кўрган олам сирларигагина ишора қилади. Оламда инсон сони ортиб борган сари, дунёга янги келаётган одамларнинг ризқи сифатида оламнинг янги сирлари — янги кашфиётлар очилиб бора беради. Қуръони каримда оламнинг барча сиру асрорлари, кашфиётлари ҳақида маълумотлар берилган бўлиши керак, деган талабни қўйиш мантиққа асло тўғри келмайди. Хорун ар-Рашиднинг машҳур вазири Жаъфар бир масалада ўзига мурожаат этган кампирга: “Бу масалада ақлим ожиз, жавоб бера олмайман”, деб узрини айтибди. Кампир: “Шундай улуғ вазир бўлсанг, шохдан катта маош олсанг-у, шугина масалани билмайсанми?” деб Жаъфарни мулзам қилмоқчи бўлибди. Шунда Жаъфар: “Э онажон, менга Хорун ар-Рашид билган нарсаларим учун ҳақ тўлайди, агар у билмаган нарсаларимга ҳақ тўлайдиган бўлса, хазинаси етмас эди”, деб жавоб берган экан. Бу ривоятдан буюк одамлар олам ҳақида, жамият ҳаёти масалаларида дунёвий ёки диний илмлари етарли эмаслигини ошкор қилишдан асло қўрқишмаганини, аксинча, булар ҳақида ёлгон гапиришдан ўзларини эҳтиёт тутишганини кўраимиз.

Бирор дунёвий кашфиётни қилгач: “Бўлди, билдим, олам ўзини ўзи яратган, дин айтаётганидек, ҳеч қандай яратувчи йўқ!” деб шошқалоқлик билан хулоса чиқариш на илмга ва на олимликка ярашади. Буни илмдан келадиган жаҳолат деса бўлади. Билмасликдан пайдо бўлган жаҳолат билиш билан даф этилади, аммо илмдан ўсиб чиққан жаҳолат қайсар, кибрлидир. Шунисидан Аллоҳ асрасин.

Ислом оламида баъзи хато қарашлар устун келиб, ўзининг тараққиёти йўлига сунъий тўсиқлар қўйиш билан овора бўлинган бир пайтда аббосийлар даврида чўққисига кўтарилган Ислом тараққиёти ютуқлари асосан Андалусия орқали ғарб мамлакатларига етиб борди. Ислом олами тарихан қисқа тийрак даврида эришган илм-фан

ютуқлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини ғарб бир неча аср давомида бошига тож қилиб кийиб, унинг соясида минг йиллар давомида ўзи ётган залолат ботқоғидан, айниқса XVII—XVIII асрлардаги оммавий инквизициялардан қутулиб, маънавий-маданий, илмий-техникавий тараққиётида улкан ютуқларга эришди.

Буларни айтишдан мақсадим битта: бугун истиқлол шарофати билан буюк келажагимизни яратаётиб, улуғ аждодлар шавкатидан баҳра олган ҳолда миллий-маънавий бойликларни янада мустаҳкамлар эканмиз, Аллоҳга бўлган буюк эътиқодда янада собит туриш билан бирга ёшларимизни дунёвий илм чўққилари сари илҳомлантиришни ҳам асло унутмаслигимиз керак.

Халқимиздан чиққан истеъодлар манаман деган халқларни лол қолдирган даврлар кўп бўлган. Ҳозир юртимиз ўз бошидан ўтказган барча даврларга қараганда ҳам энг қулай имкониятлар яратилган даврга етиб келди. Шундай экан, ёшларимиз қалби қайси йўналишга кўпроқ оловланса, ушбу йўналиш бизнинг келажагимиздан дарак беради, деб ўйлайман.

Япония олтмиш йилдан бери дунёдаги биророрта ҳам технологик ёки фундаментал изланишни назаридан қочирмай келяпти. Иложи бўлса, уларни дарров ишлаб чиқаришда қўллаяпти. Биз шиддат билан ихтиро яратишга киришишимиз шарт эмас, лекин дунёда яратилган барча ихтироларни “сув қилиб ичиб” юборишни бир зум ҳам унутмаслигимиз шарт. Бу вазифани фақат ёшларимиз уддалалай олади. Бунга эътиборсиз қарасак, илмий тараққиётда илғор давлатлар билан орамиздаги масофа узайиб бораверади. Масофа узаймаслиги учун ҳар бир ўқув ва илмий тадқиқот муассасаси йилига бир марта эмас, ўн икки мартадан танлов ўтказиб туриши, ўз билими ва ихтироси билан “ғолибларнинг ғолиби” деб тан олинган истеъод эгалари ҳар йили бир неча маротаба Фанлар академиясининг анжуманлар залида йирик олимлар ҳузурида ўз иқтидорини намоён этиши керак. Каналларини футбол ёки ўйин-қулгиларга тўласича бериб қўйган ойнаи жаҳон бу каби илмий анжуманларни ҳам бошидан охиригача, ҳамма дастурхон атрофида тўпланган чоғида намойиш қилиб борса, албатта, унинг натижаси яқин йилларда кўринади. Амалда қўллаш мумкин бўлган илмий ғоя ёки ихтиролар ҳам шу жараёнда аниқланиб қолади.

Лаҳзаларни мангуликка муҳрловчи ҳақиқий ёруғлик мана шудир!

Мансурхон ТОИРОВ,

физика-математика

фанлари доктори, профессор

МАЪНАВИЙ НУР

Буюк алломалар ҳаёти ва ижоди билан танишиш доим руҳингизга енгиллик бағишлайди. Таниқли шоир, таржимон ва олим Садриддин Салим Бухорийнинг “Икки юз етмиш етти пир” (“Бухоро” нашриёти, 2006 й.) китоби Бухорода яшаб ўтган авлиёлар, пирлар ҳақида хикоя қилади.

Бу китоб узоқ йиллик заҳматли изланишлар самарасидир. Садриддин Салим ижодининг бош мавзуи — Бухоро. У Бухорони шунчаки севмайди, шунчаки шеърга солмайди, қуруқ мадҳ этмайди. Балки бу мавзуда ҳамиша қалб ҳарорати, юрак қўри ва чин муҳаббат билан ёзади. “Икки юз етмиш етти пир” китоби ана шундай муҳаббат мевасидир. Китобни ўқиш жараёнида Садриддин Салимининг Бухородан ҳикмат излашига, илм дурларини эринмай йиққанига иқрор бўласиз.

Китоб ҳазрати Аййуб (алайҳиссалом) ҳақидаги маълумотлар билан бошланади. Довуд (алайҳиссалом) Хизр (алайҳиссалом) Имом Бухорий, Меъмор Уста Бақо, Сайид Амир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд каби зотлар ҳақидаги мақолалар завқ билан ўқилади. Китобда уларнинг фақат таржимаи ҳоллари эмас, балки меросларидан ҳам намуналар берилгани ўқувчининг маънавиятини бойитади.

Имом Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” китобларидан бундай ҳадис намунаси келтирилади: “Бир-бирингизни ёмон кўрманглар, бир-бирингизга ҳасад қилманглар, аразлашманглар, ака-ука тутиниб, Аллоҳнинг солиҳ бандларини бўлинглар. Мусулмон одам ўз биродари билан



уч кундан ортиқ аразлашмасин!”

Юсуф Ҳамадоний ҳикматларидан: “Агар тупроқ моҳиятини ўрганаман десанг (зеро, сен тупроқдан яратилгансан), бутун умринг сарф бўлур, лекин тупроқ сир-асрори ҳақидаги илминг ибтидода қолгай”.

Китобдан бундай ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Буюк алломалардан қолган ҳаётини ҳикматлар асло эскирмайди. Ҳикматлар мудом эзуликка чорлайди, комил инсон бўлишга ундайди.

Шунингдек, китобнинг Масжиди Калон имоми бўлган “Мавлоно Нуриддин Сирфий” бўлимида Масжиди Калоннинг ачинарли даврлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Собиқ совет даврида оморборхонага айланттирилган Масжиди Калон бугун нафақат Бухородаги, балки бутун республикадаги энг йирик жомеълардан бирига айланган. Китобда баён этилган авлиёлар, олимлар ва пир-

ларнинг барча зиёратгоҳлари деярли мустақиллик даврида қайта тикланиб, таъмирланиб, обод этилган.

Китобда тилга олинган барча авлиё ва пирлар буюк Ислом дини намояндалари бўлиш баробарида бири қўли гул ҳунарманд, бири етук олим, бири машҳур боғбон, бири улуг шоир, яна бири дунёга танилган хаттот ўтишган. Бу пирларнинг аксарияти ҳофизул Қуръон, Ҳаққа етишган ориф, қутби замона ва соҳибкаромат муршидлар бўлишган. Масалан, нақшбандия тариқатининг улуг пири муршиди, соҳибкаромат авлиё Ҳазрати Мир Араб Бухоро ва Туркистонда коризлар, каналлар қаздириб сув чиқаришда фаол иштирок этган, боғлар барпо қилишда бош-қош бўлган. Ёки Хожа Фахруддин Муҳаммад хожа Ислом Жўйборийни олайлик. Чор Бакрдаги обидалар айнан у кишининг сайъ-ҳаркатлари билан қурила бошланган. Мавлоно Нажмиддин Кавкабий эса етук шоир, фалакшунос олим бўлган. Бу киши ҳақида Алишер Навоийнинг “Маҷолисун нафоис” асарида ҳам маълумотлар берилган. Хуллас, китобдан ўрин олган ҳар бир пирнинг ҳаёти биз учун ибрат, ҳар бир авлиёнинг фаолияти бир мактаб. Зеро, улар динимизнинг холис тарғиботчилари бўлишган.

Авлиёларнинг файзосор маконларида доимо маърифат, маънавият нурлари порлаб турган. Бугун ўша нур уларнинг зиёратгоҳлари, мерослари орқали дилларимизга ҳам ёғилиб турибди.

Ашурали ЖўРАЕВ,
ёзувчи

ЭРКИН БОБО

ЯХШИ КУНЛАРГА ЕТКАЗСИН

Кўш ҳикоя

Орденли Даврон

Уйга келсам, набиралар жам бўлишган экан. Улар хонтахта устига мук тушишганча, нима-нидир муҳокама қилишарди:

- Буниси меники...
- Унда, манавиниси меники...
- Хо-о-о...

Нима экан деб қизиқиб қолдим. Қарасам, ўртада журнал. Унда Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари расми берилган экан. Рангли, чиройли. Шундоқ кўксингга тақиб олгинг келади.

— Оббо тайёрга айёрлар-эй, орденли бўлиш осон эканми? Талашишини қаранг буларни, “меники”, “меники” миш...

Шундай дедим-у, тилимни тишладим. Вақти келиб, бу мукофотларни шулар олмаса, ким олади? Ажабо, менинг набираларим орасидан ҳам орденли, номдор кишилар чиқармикан? Чикса, қайсиниси? Хаёлим нимагадир Давронда тўхтади. Қизик, нимага энди Давронда?!

Уйдаги одам Давроннинг ҳовлида юрганини билиб ўтиради. Хархашасидан эмас, албатта. Йўқ, у негандир “гурс-гурс” қадам ташлаб юради. Товонидан ўт чақнайди дейишади-ку, шунақа. “Кеккаймасдан юр” деб онаси ҳам, адаси ҳам ўзларича дашном берган бўлади. Ўзимча яхши ният қиламан. Давронга ўхшаган болалар улғайганида қади тик, хушқомат бўлишади. Бўлар-бўлмасга икки букилишни, ишим битсинга ялтоқланишни билишмайди.

Давроннинг яна бир яхши одати бор. Неваралар ўртасида

бирор нарсанинг тақсимоти бўлса: “Нимага акамга оз, менга кўп?” деб унамайди. Ўзини эмас, акасини ёки укасини ўйлайди. “Вой нокас-эй, шуни ҳам билдингми?” деб онаси уни койийди. Мен яна кулиб кўяман. Ахир, Даврон нокаслик қилмаяпти-ку. Тақсим тенг бўлиши керак-да! Яна ўйлаб қоламан. Бундайлар катта бўлганида кўпчиликка тиргак бўлади. Ҳақиқат деб курашади.

Унинг уйдагиларга ёқмайди-ган яна битта жиҳати бор. Бирор ишни бошласа, ўзини унутади. Тиришади-тирмашади, терлайди-пишади. Бир аҳволга тушади. “Овқатинг совиб қолди-ку!” деб онаси тўнғиллайди. “Ўзи сенга иш буюрмаслик керак”, деб отаси жиғибийрон бўлади.

Хуллас, набирам тушмагур ҳаммага ўхшамагани билан менга ёқади. Шошқин бир ҳаёт ичра юртнинг бир фидойиси улғайиб бораётганидан қувонаман. Вақт келиб, анови муборак нишонлардан бири кўксидан жой олишини ўйлайман. Ўша кунларга етказсин!

Чумоли уяси

У пайтларда қишлоғимизга газ келмаган эди. Қиш кунлари самовар ўтинга қийналардик. Кўпинча чойни шоли похоти, гўзапоя ёқиб, қум-ғонда қайнатар эдик. Чойга тутун иси уриб қоларди. Айниқса, меҳмон келиб қолса, нокулай бўларди.

Бир куни бувимларнинг товлари қочиб, кўнгилла-

ри самоварчой тусаб қолди. Аксига олиб, уйда бирортаям тараша йўқ. Ҳаммаёқни қалин қор босган.

Кўшнимиз сезиб қолиб, каттагина бир тўнкани чиқариб берди. Бунни эшитиб, бувимлар ётган жойларида дуо қилдилар. Мен шошиб чопқи билан тўнкани кертишга тушдим. Тўнкага чумолилар ин қуришган экан. Икки-учтаси думалаб тушди. Оппоқ қорда қоп-қора бўлиб кўринишарди. Ўлик-тириклигини билиб бўлмас, уй-қуда эди улар. Кўлим ишга бормай қолди. Кириб бувимларга айтдим.

— Ҳай-ҳай, — дедилар бувим ётган жойларида бир аҳволга тушиб, — самоварчой ичмай мен ўлай, тўнкани тек қўй, баҳоргача қимирлатма, чумолининг уйи бузилмасин-а!..

Бу гапдан дилим яйради.

Баҳор келди. Чумолилар аста-секин тўнканинг ичидан ўрмалаб, ҳар томонга ёйилиб кетишди. Аммо бу пайтда бувимлар оламдан ўтган эдилар. Мен чумолиларга бувим ҳақларида гапириб бердим.

